

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТАМАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳукукида

УДК: 339.187.62

КАРИМОВ АКРАМЖОН ИКРОМЖОН ЎҒЛИ

**«ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ
САМАРАДОРЛИГИ»**

Мутахассислик: 5A230201—«Менежмент (хизматлар соҳаси)»

Магистр академик даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар

и.ф.д., проф. Набиев Э.Ғ.

ТОШКЕНТ - 2016

МУНДАРИЖА

	БЕТ
КИРИШ.....	3
I БОБ. ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	11
1.1 Лизинг хизматлари ва уларни бошқаришнинг иқтисодий мазмуни.....	11
1.2 Ўзбекистонда лизинг хизматлари кўрсатиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратилиши.....	21
1.3 Лизинг хизматлари турлари ва бошқариш самарадорлигининг хусусиятлари.....	41
I боб бўйича хулоса.....	41
II БОБ. ИҚТИСОДИЁТДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИВА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН ЛИЗИНГ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	42
2.1 Ўзбекистон миллий иқтисодиётида лизинг хизматлари бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлили.....	42
2.2 “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси бошқарув самарадорлигининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини таҳлили.....	52
2.3 Ривожланган мамлакатларда лизинг хизматлари амалиёти таҳлил.....	60
II боб бўйича хулоса.....	66
III БОБ. ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ...	67
3.1 Ўзбекистонда лизинг хизматларини самарадорлигини оширишда инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш.....	67
3.2 Лизинг хизматларини самарали бошқариш орқали иқтисодий тармоқларни ривожлантириш йўллари.....	74
III боб бўйича хулоса.....	79
ХУЛОСА.....	80
Фойдаланган адабиётлар руйхати.....	84
ИЛОВАЛАР.....	90

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, шу билан бирга, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва ҳар томонлама ривожлантиришда, хизмат кўрсатиш соҳасинининг ўрни бекиёсдир. Хусусан, 2015 йилда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш борасидаги тизимли ишлар амалга оширилди.

Юртбошимиз, Ислон Абдуғаниевич Каримов “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” номли Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида таъкидлаганларидек, “2015 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг ярмидан кўпи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келгани бу тармоқнинг иқтисодиётимиздаги ўрни ва таъсири нақадар катта эканини кўрсатади. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилдаги 49 фоиздан 54,5 фоизга етди. Жами банд аҳолининг ярмидан кўпи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда”¹, лизинг, суғурта, франчайзинг ҳамда бошқа турдаги бозор хизматлари ҳам жадал ривожланмоқда.

Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётда юзага келаётган муаммолардан бири бўлиб, айрим ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва уни янги замонавий техника-технология билан таъминлашга зарур маблағларнинг етишмаслиги кузатилмоқда. Юртбошимиз айтганларидек, “Биринчи навбатда, жаҳон бозорида юқори даражадаги рақобатга дош бера оладиган ва келгуси даврда мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг, иқтисодиётни янада модернизация ва диверсификация қилишнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” номли Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 18.01.2016

локомотивига айланиши мумкин бўлган тармоқларни жадал ривожлантириш ва аниқ йўналтирилган ҳолда қўллаб-қувватлашни таъминлаш лозим², мавжуд ресурслар етишмаслиги муаммосини ечими сифатида лизинг компаниялари, банклар ҳамда бошқа кредит ташкилотлар томонидан лизинг хизматларини жорий этилиши иқтисодий ривожлантиришда яна бир муҳим асос бўлмоқда. Бугунги кунда лизинг хизматлари ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги молиявий муносабатларни - истеъмолчида маҳсулотни сотиб олиши учун молиявий манбаани етишмаслиги ёки ишлаб чиқарувчида ишлаб чиқаришни давом эттириш учун асосий воситаларга бўлган эҳтиёжларни қондириш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Лизинг хизматлари молиявий хизматларнинг бир тури сифатида кўрар эканмиш, лизинг хизматлари ва уларни бошқариш самарадорлиги юқори даражада таъминлаш учун ҳозирги кунда мавжуд бўлган қуйидаги муаммоларни чуқур ўрганиш ва уларни ижобий ечимини топиш зарур ҳисобланади:

- лизинг хизматларини бошқаришда етук мутахассислар, хусусан молиявий менежерларнинг етишмаслиги;

- лизинг хизматлари самарадорлигини таъминлашда бошқарувдаги харажатлар ва даромадлар тизимини эътиборга олинмаслиги;

- лизингни молиялаштириш манбааларини етарли даражада молиявий ресурслар билан таъминланмаганлиги;

- лизинг бозори инфратузилмасини соҳалар бўйича етарли даражада шакллланмаганлиги;

- лизинг хизматлари кўрсатаётган компания ва бошқа молиявий ташкилотларда халқаро сифат тизимини жорий этилиш даражасини пастлиги ёки умуман ёқлиги;

- лизинг хизматларига доир яхлит ахборот алмашув тизимини шакллланмаганлиги;

²Ислом Абдуғаниевич Каримов “Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир”, Т.: «Ўзбекистон» - 2015.

-лизинг хизматлари ичида халқаро лизинг улуши даражаси пастлиги.

Лизинг хизматлари ва уларни бошқариш самарадорлиги мавзусидаги ушбу магистрлик диссертацияси юқорида кўрсатиб ўтилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш йўллариini белгилашда катта аҳамият касб этади.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Магистрлик диссертация ишининг **объекти** бўлиб, лизинг хизматлари ва уларни бошқариш самарадорлигибилан боғлиқ жараёнлар мажмуи олинган. Диссертация ишининг **предмети** бўлиб, лизинг хизматлари ва уларни бошқариш самарадорлигиуслугиетини камраб олувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Магистрлик диссертация ишининг бош мақсадибўлиб, лизинг хизматлари ва уларни бошқариш самарадорлиги усулларининг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсад йўлида қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинди:

-лизинг хизматлари ва уларни бошқаришнинг иқтисодий мазмуниниочиб бериш;

-Ўзбекистонда лизинг хизматлари кўрсатиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратилишини ўрганиш;

-лизинг хизматлари турлари ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб бериш;

-Ўзбекистон миллий иқтисодиётида лизинг хизматлари бозорининг ривожланиш босқичлари ва унинг ҳозирги ҳолатини ёритиб бериш;

-ривожланган мамлакатларда лизинг хизматлари амалиётини ёритиш;

-лизинг хизматларини кўрсатувчи компанияларда бошқариш усулларини такомиллаштиришда хориж тажрибасини қўллашнинг истиқболли йўналишлари зарурлигини асослаш;

-лизинг хизматларини тармоқларбўйича ривожлантириш заруриятини ёритиб бериш ва тармоқлараро баланс моделини қўллашни таҳлил қилиш;

-лизинг хизматлари бозорини хориж тажрибасини самарали йўналишларини ўрганган ҳолда ривожлантиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни қўлланишини таҳлил қилиш;

-лизинг хизматларини кўрсатувчи компанияларда бошқариш усулларини такомиллаштиришнинг истикболли йўналишлари юзасидан амалий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши лизинг хизматлари ва уларни бошқариш самарадорлигитакомиллаштириш, лизинг хизматлари ва уларни бошқаришнинг жаҳон тажрибасини ўрганишда, лизинг хизматларини такомиллаштириш йўллари излаб топишга олиб келиши мумкин.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Лизинг хизматлари фаолиятини тартибга солиш, лизинг хизматларини бошқариш усуллари ва воситалари юзасидан илмий-тадқиқотлар олиб борган кўплаб хорижлик иқтисодчи-олимларни келтириш мумкин. Жумладан, Лещенко М. И., Букирь М.Я., Газман В.Д., Ковалев В.В., Корнийчук Г.А., Адамов Н.А., Тилов А.А., Бэр Ханс Питерлизинг фаолияти доирасида илмий-тадқиқотларини олиб борганлар ва асарларини яратганлар.³ Шунингдек, Кирилловых А.А., Ковалев В.В., Цыганов А., Буренин В., Просветов Г.И., Н.И. Берзон, Е.А. Буянова, кабилар тадқиқотларида лизинг муносабатларининг ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий жиҳатларини кенгроқ тадқиқ этилган.⁴

³ Лещенко М. И. Основы лизинга. – М.: Финансы и статистика, 2004 год, - 329 с., Букирь М.Я. Кредитная работа в банке: методология и учет. М.: КноРус, 2012. 240 с., Газман В.Д. Лизинг. Статистика развития. М.: Изд-во ГУ ВШЭ, 2008. 592 с., Газман В.Д. Лизинг. Финансирование и секьюритизация. М.: Изд-во ГУ ВШЭ, 2011. 472 с., Ковалев В.В. Учет, анализ и бюджетирование лизинговых операций. Теория и практика. М.: Финансы и статистика, 2005. 512 с., Корнийчук Г.А. Договоры аренды, найма и лизинга. М.: Дашков и Ко, 2010. 158 с., Адамов Н.А., Тилов А.А. Лизинг. – СПб.: Питер, 2007., Бэр Ханс Питер Секьюритизация активов: секьюритизация финансовых активов – инновационная техника финансирования банков. Пер. с нем. Ю.М.Алексеев, О.М.Иванов. – М. Волтерс Клувер, 2006.

⁴ Кирилловых А.А. Правовые основы лизинга. М.: Юстицинформ, 2009. 112 с., Ковалев В.В. Лизинг. Финансовые, учетно-аналитические и правовые аспекты. М.: Проспект, 2014. 460 с., Цыганов А., Буренин В. Инновационный лизинг. М.: МГИМО-Университет, 2013. 200 с., Просветов Г.И. Лизинг. Задачи и решения.

Ўзбекистон Республикасида ва МДХ давлатларда лизинг фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш усулларининг назарий асослари, уни ташкил этиш ва молиялаштиришнинг миллий хусусиятлари, лизинг хизматлари самарадорлиги, лизинг компаниялари бошқаруви ва улардаги мавжуд муоммолар юзасидан мамлакатимиз иқтисодчи-олимларидан Д.Г.Ғозибеков, О.Ш.Собиров, А.Г.Мўминов, О.М.Қулжонов, Қулматов А.А., Муродова Н.К., Хатамов О., Утамалиева Ш., Ш.У.Ҳайдаров, Х.А.Ортиков, Х.А.Тухсановларнинг дарслик ва илмий ишларида тадқиқ этилган ва ёритилган.⁵

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Тадқиқот жараёнида статистик, аналитик, синтетик, қиёсий, кузатув, индуктив, дедуктив, мантикий ва бошқа таҳлил усулларидан фойдаланилди. Шунингдек, диссертация ёзишда мустақил давлатчилик ва лизинг соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ҳамда уларни амалга ошириш йўналишлари бўйича илмий ишлар асос қилиб олинди, ахборот базаси қилиб эса, Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, Марказий банкнинг лизинг бўйича йўриқнома ҳамда меъёрий ҳужжатларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган илмий-назарий ва амалий ғоялар, ишлаб чиқилган илмий тақлиф ва амалий

М. : Альфа-Пресс, 2008. 160 с., Инновации на финансовых рынках: коллект. Моногр. / Н.И. Берзон, Е.А. Буянова, В.Д. Газман и др. ; под науч. Ред. Н.И. Берзона, Т.В. Тепловой. М. : Изд. Дом Высшей школы экономики, 2013. 420 с.

⁵ Д.Ғ.Ғозибеков, О.Ш.Собиров, А.Г.Мўминов, О.М.Қулжонов. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти.-Т.: Фан ва технология, 2004.-308б., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Иқт.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.: 2004. -21 б., Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. Иқт.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.: 2008. -21 б.,Хатамов О. Лизинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг дисконт усули // Бозор, пул ва кредит. - Т, 2005, № 4. - с. 37-39., Утамалиева Ш. Развитиелизингового бизнеса. Бозор, пул ва кредит. -Т.: 2003, № 9. с.26-28., Ш.У.Ҳайдаров, Х.А.Ортиков, Х.А.Тухсанов. Лизинг: тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби.Т.:Норма,2006.-247б.;

тавсиялардан лизинг хизматларининг бошқариш усуллари ҳамда унга оид келгусидаги махсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда лизинг хизматлари ва уларнинг самарадорлигини бошқариш усулларига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимизда лизинг хизматларини самарали бошқариш усуллари йўналишларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида таълим олаётган бакалавр ва магистрларнинг ўқув режасига киритилган “Лизинг” ва “Молиявий менежмент”, “Пул, кредит ва банклар”, “Суғурта иши”, “Банк иши”, “Менежмент”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Хизмат кўрсатиш соҳаси менежменти”, “Стратегик бошқарув” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишининг асосий илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- лизинг хизматлари ва уларнинг бошқариш самарадорлигини ошириш усуллариининг иқтисодий мазмун-моҳияти очиб берилиб, улар бўйича керакли тавфсиялар берилди;
- лизинг хизматлари ва уларнинг бошқариш усуллариининг меъёрий-ҳуқуқий асослари ёритиб берилди;
- лизинг хизматлари ва уларнинг бошқариш усуллариининг хориж тажрибаси ўрганилиб, бошқаришнинг самарали усуллари таклиф қилинди;
- лизинг хизматлари ва уларнинг бошқаришда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш авзалиги кўрсатилди;
- лизинг фаолиятида молия-солиқ сиёсати таъсириининг таҳлили ўрганилиб, солиқ ставкаларининг лизинг бозорига таъсири очиб берилди;
- лизинг хизматларининг бошқариш усуллариини такомиллаштириш юзасидан амалий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда

фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, жами 89 бет, 6та жадвал, 21та расмдан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, назарий ва амалий аҳамияти, илмий янгилиги очиб берилган.

Ишнинг биринчи боби “Лизинг хизматлари ва уларни бошқаришнинг илмий-назарий асослари” деб номланиб, унда лизинг хизматларининг иқтисодий мазмун-моҳияти ва таснифланиши, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида лизинг хизматларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг назарий-ҳуқуқий асослари, Ўзбекистонда лизинг хизматлари кўрсатиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратилиши, лизинг хизматлари турлари тадқиқ этилган ва ёритилган.

Ишнинг иккинчи боби “Иқтисодиётда лизинг хизматлари бозори ва самарали фаолият олиб бораётган лизинг компанияларининг молиявий фаолиятлари таҳлили” деб номланиб, унда Ўзбекистон миллий иқтисодиётида лизинг хизматлари бозорининг ривожланиш босқичлари ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлили, “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси бошқарув самарадорлигининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини ҳамда ривожланган мамлакатларда лизинг хизматлари амалиётини ўзига хос хусусиятларитаҳлил этилган ва ёритилган.

Ишнинг учинчи боби “Лизинг хизматлари самарадорлигини оширишда молиялаштириш усуллари тақомиллаштириш” деб номланиб, унда Ўзбекистонда лизинг хизматларини самарадорлигини оширишда инвестицияларни самарали бошқарув усуллари тадбиқ этиш, лизинг хизматларини кўрсатувчи компанияларда бошқариш усуллари тақомиллаштиришда хориж тажрибасини қўллашнинг истиқболли йўналишлари, лизинг хизматларини самарали бошқариш орқали иқтисодий тармоқларни ривожлантириш йўллари қўлаш амалиёти ёритилган ва керакли тавсиялар берилган.

Ишнинг хулоса қисмида тадқиқ этилган мавзу юзасидан умумий хулосалар шакллантирилган ҳамда лизинг хизматлари ва уларни самарали бошқаришни такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

I БОБ. ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Лизинг хизматлари ва уларни бошқаришнинг иқтисодий мазмуни.

Лизинг хизматлари хизматлар соҳасининг бир тури сифатида кўрар эканмиз, расмий маълумотларга кўра, ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида 80 минг 400 та кичик ва хусусий бизнес субъекти фаолият юритиб, умумий миқдорда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари сонининг 80 фоиздан ортиғини ташкил қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши бевосита аҳолининг турмуш даражаси билан бўғлиқдир. Илмий манбааларда берилишча, “аҳолининг турмуш даражаси – мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезони ҳисобланиб, унинг амалга оширилиши жамият ривожланишининг асосий мақсадидир. Аввало, турмуш даражаси иккита таркибий қисмнинг бирикмаси ва ўзаро боғлиқлиги билан тавсифланади: аҳолининг моддий ва номоддий бойликлар билан таъминланганлик ва уларнинг истеъмол даражаси”⁶ ҳисобланиб, хизматлар соҳасини ривожлантириш миллий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Хизмат термини халқаро стандартларда берилишича – “бу ижро этувчи ва истеъмолчи ўртасидаги бевосита ўзаро таъсирнинг натижасидир, ҳамда истеъмолчи эҳтиёжини қондириш бўйича ижрочининг шахсий фаолияти натижаси”⁷ ҳисобланиб, уни самарали ташкил этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш мумкин.

Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) доирасида халқаро компаниялар ва миллий ҳукуматлар сармоявий фаолиятини тартибга солишнинг яна бир йўналиши бўлиб Хизматлар бўйича бош келишув (ГАТС) ҳисобланади. Бундай махсус келишувни қўллаш зарурияти тез ўсиб боровчи хизматлар соҳаси ва ишлаб чиқариш экспорти кўпинча телекоммуникация, ахборот ва

⁶ Абдурахмонов Қ.Х., Абдураманов Х.Х. Аҳоли турмуш тарзи ва даромадлари. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2011 – 14 бет

⁷ Халқаро стандартлар

алоқа соҳасида, бухгалтерлик ва аудиторлик фаолият турларида, ахборот маълумотларини қайта ишлаш ва дастур таъминоти соҳаларида халқаро компанияларнинг хорижда махсус ишлаб чиқариш филиалларини ташкил қилишини кўзда тутиши сабабли вужудга келди.⁸Хизмат термини ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади:

- хизмат истеъмолчи ва ижро этувчиларнинг ўзаро таъсири;
- ижрочиларнинг ўзлари томонидан хизмат кўрсатиш жараёни (яъни, маълум ишларни бажариш);
- “қайта ташкил қилинган маҳсулот” ёки “хизматлар натижаси” кўринишидаги ушбу фаолият натижалари.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилиши натижасида ўтган йил мобайнида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 220 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Бу ўринда мазкур соҳани ҳар томонлама ривожлантиришда солиқ имтиёзларининг берилиши алоҳида аҳамият касб этди.

Шу муносабат билан, республикада хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли хизмат турлари билан тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-325-сонли қарори қабул қилинди.

Бунга асосан мамлакатимизда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

⁸Назарова Г.Ғ., Салихова Н.М., Мухамеджанова Г.А., Ахмедов И.А. Халқаро менежмент. /проф. А. Ш. Бекмуродов таҳрири остида (дарслик), ТДИУ, 2011 й. – 95 б.

-кишлоқ жойларда истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, кишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

-анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда, янги истикболли - юридик, консалтинг, банк, молия, сугурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

-мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

-хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Президентимизнинг мазкур қарорига асосан 2006 йил 1 апрелдан бошлаб 3 йил муддатга қуйидаги хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилди:

1. Молия ва банк хизматлари:

-лизинг бўйича хизматлар;

-сугурта ва сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг хизматлари;

-аудиторлик хизматлари;

-бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича хизматлар;

-микрокредитлаш бўйича хизматлар.

2. Маиший хизматлар:

-пойабзал ва чармдан тайёрланган буюмларни таъмирлаш соҳасидаги хизматлар;

-соат таъмирлаш бўйича хизматлар;

-маиший электрон ва электр ускуналар (телевизорлар, аудио-видеоаппаратуралар, компьютер, принтер техникаси,

совуткичлар, кондиционерлар ва бошқалар)ни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар.

3. Бошқа хизматлар:

- ветеринария хизматлари;
- таълим соҳасидаги хизматлар, жумладан компьютерда ишлашни ўргатиш;
- болалар спорт муассасалари ва тўғараклари хизматлари;
- болалар, ногиронлар ва кекса фуқароларни парвариш қилиш бўйича ижтимоий хизматлар;
- санаторияларнинг хизматлари;
- ахборот-ресурс марказлари хизматлари;
- болаларни соғломлаштириш мажмуалари хизматлари;
- ахборот-кутубхона марказлари хизматлари.

Ҳозирги кунда ривожланиб бораётган хизмат турлари ичида лизинг хизмати алоҳида ажратишимиз мумкин. Лизинг тушунчасини келиб чиқиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, молиявий дастак сифатида лизинг иқтисодий ривожланиши ва саноат инқилоби натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилишнинг муоммаолашувини истиқболи ечими сифатида намаён бўлишини кўришимиз мумкин. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, “лизинг сотувчи учун ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни реализация қилишнинг самарали усули, лизингга берувчи учун фаолиятнинг бири тури бўлса, лизингга олувчи учун эса инвестициянинг жалб қилишнинг қулай усули ҳисобланади.”⁹, лизинг ундаги иштирокчилар учун ҳам афвзал, ҳам инвестициялашнинг қулай молиявий дастагидир. Бу ўз навбатида, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги молиявий муносабатларни - истеъмолчида маҳсулотни сотиб олиши учун молиявий манбаани етишмаслиги ёки ишлаб чиқарувчида ишлаб чиқаришни давом

⁹ Е.А. Шкарупа Особенности агролизинга и направления его государственной поддержки, Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 3, Экон. Экол. 2012. – стр 128.

эттириш учун айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларни кондиритиш воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Дастлабки лизинг тўғрисидаги қарашлар Хаммурапи қонунларида ва кейинроқ, Аристотел яшаб ўтган даврда маълум бўлиб, унинг “Риторика” номли асарида “Мулкни самарали бошқариш уни аниқ вақт ва шароитда бошқариш, ундан фойдаланиш фақат уни фойдаланувчисига боғлиқ, бошқарув белгиси бу мулкни бегоналашуви яъни бериб юбориш ёки сотиш. Умуман, кўпроқ бойликнинг моҳияти эғалик қилишдан кўра фойдаланишда”¹⁰ деб таъкидлар экан, мулкдан фойдаланишни эғалик қилиш ҳуқуқидан ажратади.

Қадимдан лизинг фақатгина маълум бир аниқ мулкни ижарага бериш ҳисобланмай, унинг энг асосий турларига ичига қишлоқ асбоблари ва ҳарбий қуролларни ижарага олишни ҳам киритиши мумкин бўлган. Тарихий манбаларга кўра, биринчи марта лизинг битими молиявий манбаалари етишмаслиги сабабидан, 1066 йилда Нормандия герцоги Вильгельм I томонидан Британия ороларини бирлаштириш ва тахтга эғалик қилиш учун нормандиялик кемасозлардан кемаларни ижарага олиш учун тузилганлиги тўғрисида қайтлар бор.¹¹ Бу келушига асосан, Вильгельм I кўп сонли кемаларни ўз армиясини Ла-манш буғозидан олиб ўтиш учун лизинг(ижара)га олган ва шу туфайли у ғалабага эришишга муваффақ бўлиб, Англия қиролига айланган. Шу воқеадан 2 асардан кейин, 1248 йилда биринчи расмий лизинг битими аскарий анжомларни олиш учун ҳарбийлар томонидан тузилган.¹² Фан ва саноат инқилоби натижасида, Америк Қўшма Штатларида 1877 йилдан бошлаб, “БЕЛЛ” телефон компанияси ўзи ишлаб чиқарган телефонларни харидорларга ижара сифатида тарқатган ва бундан йирик фойда кўрган.

¹⁰ Аристотель. Риторика ок. 355 г. до н. э. Перевод Н. Платоновой (Античные риторика. М., 1978.)

¹¹ Рекс Питер. Новая история нормандского завоевания / Пер. И.И.Хазановой.— СПб.; М.: Евразия, ИД «КЛИО», 2014.— 336 с.

¹² Сапожников В.Н., Акимов Е.М., Осипов А.С. Лизинг: значение, сущность, возможности. Учеб. пос. / Моск. гос. строит. ун-т. — М.: МГСУ, 2000.

Лизинг хизматларини кўрсатувчи биринчи йирик компания эса, 1952 йилда «Юнайтед Стейтс Лизинг Корпорэйшн» («United States Leasing International Inc.») номи билан АҚШларининг Сан-Франциско штатида тузилган. Шундан сўнг, 1957 йилда Францияда, 1960 йилда Англияда, 1962 йилда Германияда, 1969 йилда Японияда лизинг хизматларини кўрсатувчи йирик компаниялар мавжуд бўлган.

Ўзбекистон Республикасини лизинг тўғрисидаги қонунига кўра: “лизинг¹³—молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан, истеъмол қилинмайдиган, тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган ҳар қандай ашёлар лизинг объекти бўлиши мумкин, ер участкалари ва бошқа табиат объектлари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунига кўра лизингобъектлари тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, ҳисобланиб улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхоналар;
- мулкый комплекслар;
- бинолар;
- иншоотлар;
- ускуналар;
- транспорт воситалари;
- бошқа кўчар ва кўчмас мулклар.

Лизинг субъектлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

¹³Лизинг тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 1999 йил 14 апрел

– лизинг берувчи – бу лизинг олувчининг ихтиёрий талабига кўра лизинг объектини ишлаб чиқарувчи корхоналардан лизинг сифатида олиб берувчи компаниялар.

– лизинг олувчи – эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг объектини танловчи ва уни олиш учун лизинг берувчига муражат этувчи юридик шахслар.

– сотувчи – лизинг объектларини ишлаб чиқарувчи корхоналар.

Лизинг шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

-лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

-лизинг шартномасининг муддати лизинг объекти хизмат муддатининг саксон фоизидан ортиқ бўлса ёки лизинг объектининг лизинг шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг йигирма фоизидан кам бўлса;

-лизинг шартномасининг муддати тугагач, лизинг олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нархда эвазини тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш кунидаги лизингобъекти қиймати асос бўлади;

-лизинг шартномаси даври учун лизинг тўловларининг жорий дисконтланган (ҳисобга олинган) қиймати лизинг объектининг лизингга топшириш пайтидаги жорий қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса. Жорий дисконтланган (ҳисобга олинган) қиймат бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Лизинг уч тарафлама (сотувчи — лизинг берувчи — лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи — лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади. “Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи (ижарага берувчи) бир тараф лизинг олувчи (ижарага олувчи) иккинчи тарафнинг топшириғига биноан сотувчи учинчи тараф билан ундан лизинг олувчи учун мол-мулк сотиб олиш ҳақида келишиш мажбуриятини олади,

лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.”¹⁴

Лизинг шартномасимол-мулк лизинг объекти ҳисобланиб, у ҳақда тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда нотариал тасдиқланиши лозим. Лизинг шартномасининг муҳим шартлари қуйидагилар ҳисобланади:

- лизинг объектининг тавсифланиши (лизинг объектининг миқдори, сифати, рўйхати, контракт қиймати ва бошқа кўрсаткичлари) ва шартнома умумий пул суммасининг кўрсатилиши;

- тарафларнинг лизинг объектини олиш ва бериш билан боғлиқ мажбуриятлари;

- лизинг объектини бериш тартиби, шу жумладан лизинг объектини етказиб бериш, монтаж қилиш ва фойдаланишга топшириш тартиби;

- лизинг тўловларини тўлаш шартлари, миқдорлари, муддатлари ва тартиби;

- лизинг объектидан фойдаланиш, унга қараш, уни сақлаб туриш ва таъмирлаш юзасидан тарафларнинг мажбуриятлари;

- шартноманинг амал қилиш муддати.

- сотувчи ва лизинг объектини танлаш учун масъул тарафнинг кўрсатилиши.

Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчи томонидан сотиб олингунга қадар лизинг берувчига тегишлидир.

Лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар барча лизинг тўловлари лизинг берувчининг лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар қолган даврда оладиган даромади чегириб ташланган ҳолда тўланган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин. Лизинг олувчи банкрот бўлган, унинг мол-мулки хатга олинган ёки мусодара қилинган тақдирда, лизинг объекти лизинг олувчининг умумий

¹⁴Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 1996 й

мол-мулкидан ажратилади ва лизинг берувчига кайтарилиши лозим, у мол-мулкни ўз хохишига кўра тасарруф этиши мумкин.

Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама лизинг шартномаси тузилаётганида кўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

Лизинг берувчи компаниялари ўз маблағлари ва (ёки) жалб этилган маблағлар ҳисобидан лизинг объектининг сотиб олиниши ва уни лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига берилиши борасидаги инвестиция фаолияти тури билан шуғулланиб келмоқдалар.

Лизинг хизматларининг самарадорлигини оширишнинг иқтисодий мазмуни энг аввало бошқарув тизимини тўғри йўлга қўйиш масаласига бориб тақалади. Бу борада таъкидлангандигек, “ҳар қандай фаолият тури бошқарув асосида курилади, чунки шу фаолиятни амалга оширишда кўзланган мақсадга эришиш, бажариладиган вазифаларни таксимлаш, ижросини назорат қилиш, шунингдек, самарадорликка эришиш учун шу фаолиятда иштирок этувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, рағбатлантириш чора-тадбирлари бошқарув жараёнида ташкил этилади ва мувофиқлаштирилади”¹⁵, лизинг хизматлари фаолиятини тўғри ташкил этиш ва уни бошқариш самарадорликни омили ҳисобланади.

Бошқарув соҳасида фаолият юритаётган олимлардан яна бири - Питер Ф. Друкер ўзининг асарларида бошқарувга қуйидаги тариф берган “Бошқарув алоҳида фаолият тури бўлиб, ташкил этилмаган бетартиб оммани, бир мақсадга йўналтирилган самарали ва унумли гуруҳга, жамиятга айлантирадиган, ижтимоий ўзгаришларни рағбатлантирувчи элемент ҳисобланади”¹⁶, бўлиб бошқарувни умумий фаолиятдан ажратиб, уни рағбатлантирувчи куч сифатида кўрсатган. Умумий олганда, бошқарув яни менежмент тўғрисида қуйидагича тариф берилади: “менежмент (инг.

¹⁵ Қосимова Д. С., Собиров А.А. Бошқариш назарияси асослари. ОЎЮ лари учун дарслик. – Т: ТДИУ, 2011-8 б.

¹⁶ Друкер, Питер, Ф. Задачи менеджмента в XXI веке.: Пер. с англ.: – М.: Издательский дом «Вильямс», 2004. – 15 с.

managment-бошқармоқ, идора қилмоқ, ташкил қилмоқ) – бу: - ишлаб чиқариш, тижоратни бошқариш бўйича, маълум мақсадларни кўзловчи амалий фаолият; - бошқарув, назарияси, фани бошқарув тамойиллари, усуллари, воситалари ва шакллариининг мажмуаси; - мамлакатимизнинг ҳозирги замон амалиётида корхона, акциядорлик жамиятиниинг раҳбарлик қилувчи таркибидир”¹⁷.

Лизинг хизматларининг иқтисодий мазмуни шундан иборатки, ривожланган мамлакатларда лизинг муносабатларидан фойдаланиш туфайли тадбиркорлар банк кредити ҳисобидан ускуна сотиб олгандан кўра 20-30 фоиз камроқ маблағ сарфлайдилар. Аммо лизинг кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкасига ва солиқ қонунчилигига нисбатан жуда сезгир бўлади. Лизинг қарз маблағларини келгусида ҳам жалб этиш учун асос яратади.

Шунингдек, лизинг муносабатлари кредит, ижара муносабатларининг бир кўриниши бўлиб, бунда асосан мамлакат иқтисодиётидаги корхоналар томонидан фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумладан корхоналар, мулкый комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин. Тижорат банклари томонидан берилаётган кредит ва лизингнинг энг муҳим фарқларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- ❖ мулкчилик ҳуқуқининг эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқидан ажратилиши;

- ❖ банк кредитидан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш солиқ тўланганидан кейин фойда ҳисобидан амалга оширилса, лизингда маҳсулот таннархига киритилади, бу эса фойда солиғи бўйича тегишли солиққа тортиш базасини камайтиради;

- ❖ агар банк кредити молиялаштиришнинг қўшимча манбаи тарзида намоён бўлса, лизинг кредити қоида тариқасида битимни юз фоиз молиялаштиришни таъминлайди;

¹⁷Н.Қ. Йўлдошев, В.И. Набоков Менежмент назарияси: ОЎЮ лари учун дарслик. – Т: ТДИУ, 2013- 30 б.

❖ банкда фоиз ҳисоблаш кунлик, ҳақиқатда қолдиқдан ҳисобланилади, лизингда қатъий жадвал асосида амалга оширилади.

Лизинг хизматларини бошқаришда қуйидаги йўналишларга эътибор қаратиш лозим:

- лизинг компанияларида ходимлар меҳнатини бошқариш;
- лизинг компанияларида молиявий ҳолатни бошқариш;

Ижтимоий меҳнат жараёнлари ва унинг иштирокчиларига бошқарув таъсирини ўтказишнинг принципиал усуллари меҳнатни бошқариш усуллари дейилади.

Меҳнат жараёнлари учта асосий усул билан бошқарилади: ¹⁸

1) бошқарувчининг бошқарилувчилар ва улар орқали бошқарилаётган жараёнга бевосита кўрсатмалар асосида таъсир этиш усули;

2) бошқарувчининг бошқарилувчилари ва улар орқали бошқарилаётган жараёнга билвосита манфаатлар орқали таъсир этиш усули;

3) жараён иштирокчиларининг ўзлари қарор қабул қилиб, ўзлари ижро этадиган ўз-ўзини бошқариш усули.

Меҳнатни бошқариш тизимлари :

- ижтимоий меҳнат муносабатларини бошқариш;
- меҳнатга қизиқтириш ва меҳнатни рағбатлантиришни бошқариш;
- меҳнат унумдорлиги ва сифатини бошқариш;
- ходимлар меҳнат фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлашни бошқариш;

1.2. Ўзбекистонда лизинг хизматлари кўрсатиш ва бошқаришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини яратилиши

Лизинг хизматларини молиявий дастак сифатида қарар эканмиз, унинг ривожлантириш албатта, ҳуқуқий-меъёрий асосларини мукамал яратилганлигига боғлиқдир.

¹⁸ Қ.Х.Абдурахмонов Н.Т.Шоюсупова Меҳнат иқтисодиёти ижтимоий меҳнат муносабатлари - Дарслик оилӣ ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган.Тошкент – 2011, 494 бет

Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларига оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни дастлабки асослари 1991 йил 16 июлдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон ССЖ деҳқончилик-саноат комплексини моддий-техникавий таъминлаш ва техникани тузатиш давлат-кооператив қўмитаси («Ўзқишлоқхўжалик-таъминот тузатиш») тўғрисида”ги Низом бўлиб, бу Низомга кўра «Ўзқишлоқхўжалик-таъминот тузатиш» давлат-кооперативига лизинг компаниялари барпо этиш, тақчил маҳсулотларни етказиб бериш юзасидан битимлар тузиш ва бошқа ҳуқуқлар берилган бўлиб, кейинчалик бу қўмита Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Ўзқишлоқхўжалик-таъминот тузатиш» давлат-кооператив қўмитасини «Ўзағромушсервис» уюшмаси этиб ўзгартириш тўғрисида»ги 2000 йил 31 октябрдаги ПФ-2741-сон фармони асосида «Ўзағромушсервис» уюшмаси этиб тайинланган ва унга машина-трактор паркларига лизинг асосида қишлоқ хўжалик техникаси етказиб бериш тўғрисида «Ўзқишлоқхўжалик маъмулизи» компанияси билан шартномалар тузиш ва бошқа ҳуқуқлар берилган. Навбатдаги меъёрий ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилнинг 26 февралдаги 85-сонли қарорига асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси тўғрисида”ги Низоми бўлиб, унга кўра “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Жамғармаси” Жамғарма маблағларидан фойдаланишга ёрдам берувчи кредит бериш, лизинг операциялари ва ижаранинг турли шакллари амалга оширишни таъминлаш ҳуқуқлари берилган бўлиб, тадбиркорларни ўз техник қувватини ошириш ва етарли даражада ишлаб чиқаришни таъминлаш учун лизинг воситаларини бериш учун зарур маблағлар билан таъминлаган.

Лизинг хизматларини банклар секторига кириб келишини бевосита, республикада тижорат банкларинг фаолияти тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий асосларни яратилиши билан чамбарчас бўғлиқдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 1993 йил 21 январь ташкил этилган бўлиб, ушбу банк Низомига кўра, ушбу жумлалар:

“бошқа операциялар билан бир қаторда банкасбоб-ускуна, ҳисоб-китоб терминаллари, банкоматлар, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни сотиб олади ҳамда ижара ва лизинг шартларида бериши белгиланган”¹⁹ келтирилган бўлиб, халқаро лизинг хизматларини амалга оширувчи банк сифатида ҳам кенг ҳуқуқлар берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 августдаги 430-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредит бериш давлат-тижорат банки («Ўзжамғармабанк»)нинг “лизинг фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган”²⁰ бўлиб, кейинчалик бу банк аҳолига кўрсатилаётган банк хизматларининг кенг қўламли тизимини яратиш, эркин пул маблағларининг омонатларда тўпланишидан аҳоли манфаатдорлигини ошириш, аҳолига кредит беришга ҳамда халқ ҳўжалигининг устун тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилаётган кредит-инвестиция ресурсларини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилган асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредит бериш давлат-тижорат банкини бошланғич устав фонди 100 млн сўм бўлган, Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат Халқ банкига айлантирилади.

Ўзбекистон Республикасидаги меъёрий ҳужжатларда расмийлаштирилган биринчи йирик лизинг хизматлари бўйича халқаро битим Германиянинг «Саламандер» фирмаси билан «ЎзСаламан» қўшма корхонаси ўртасида тузилган бўлиб, унга кўра “олти йилгача муддатга 5 фоиз йиллик даромад билан 2,0 млн немис маркаси миқдорида лизинг кредит ва «Фарғона пойабзал» акционерлик жамияти ана шу шартларда ўрнатилган асбоб-ускуналар билан 0,5 млн немис маркаси миқдорида кредит бериши”²¹ тўғрисидаги ҳужжат таъсдиқланган.

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 1993 йил 21 январьда таъсдиқланган Низом.

²⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 августдаги 430-сон қарори

²¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар “«Ўзсаламан» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, Тошкент ш., 1995 йил 21 февраль, 60-сон

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ташкил этилган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди (бизнес-фонди)ни ҳамда унинг фаолияти масалалари тўғрисида хорижий ускуналар лизингини ташкил этиш асосида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни технологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 24 декабрдаги 563-сонли «кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган, ва «микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 9 июлдаги 240-сон қарори талабларига мувофиқ маҳаллий хом ашёдан экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тадбиркорларга лизинг асосида замонавий чет эл технология линиялари ва асбоб-ускуналари етказиб бериш йўли билан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун «раанани-холдинг» компанияси билан 50 млн. ақш доллари суммасидаги қўшма дастурнинг амалга оширилиши кўзда тутилган.

Республикада замонавий инфраструктурани шакллантириш ҳамда товарлар ва хизматлар бозорини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йилнинг 5 январдаги 6-сонли «Ўзбек Лизинг Интернейшнл АЖ» қўшма лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Халқаро молия корпорацияси, Европа қайта қуриш ва тараққиёт банки, Мейбанк (Малайзия) билан биргаликда «Ўзбек лизинг Интернейшнл АЖ» қўшмализинг компаниясини таъсис этилган.

«Ўзбек Лизинг Интернейшнл АЖ» қўшма лизинг компаниясининг бош вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:²²

²² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “«Ўзбек Лизинг Интернейшнл АЖ» қўшма лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, 1995 йил 5 январь, 6-сон

-технология асбоб-ускуналарини республиканинг мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларигализингга бериш учун сотиб олиш ва улардан фойдаланишни узоқ муддатларда маблағ билан таъминлаш;

-экспорт имкониятларини кўпайтириш ва импортнинг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларигализингдоирасида илғор технологияларни жалб этиш;

-ўрта ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш, халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни кўпайтириш учун кенг кўламлилизингхизматлари кўрсатиш;

-лизингоперацияларини амалга ошириш услубиётини ҳамдализингхизматлари бозорини ривожлантириш бўйича тавсияномаларни ишлаб чиқиш.

Республикадаги мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги, «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда қишлоқ жойлардализингшартларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва маҳаллий хом ашёни қайта ишловчи ихчам, юқори унумли технологик асбоб-ускуналарни лизинг шартларида кичик ва хусусий корхоналарга, фермер (деҳқон) хўжаликларига берувчи хорижий инвесторлар иштирокидаги сугурта ва лизинг компаниялари тармоқларини ривожлантиришга оид таклифларни²³ ишлаб чиқилаган ва амалиётга жорий этилган. Шу қарор асосида ишлаб чиқилган “1996 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари” дастурида Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлиги, Ташқи Иқтисодий Алоқалар Вазирлигига лизингкомпаниялари ҳамда инвестиция

²³Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “1995 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 1996 йилда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш йўллари тўғрисида”ги Қарори, 1996 йил 7 март, 84-сон

фондлари тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш юклатилган.

Лизинг хизматлари ва лизинг муносабатларини, ҳамда фуқароларнинг ушбу тушунча юзасидан жавобгарлик ва маъсуляларини белгилаб берувчи ва тартибга солувчи меъёрий ҳужжат 1996 йилнинг 15 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси бўлиб, ушбу кодекснинг 6-бўлим 587-599-моддалари бевосита лизинг хизматларига дахлдор ҳисобланади.

Лизинг хизматларини ривожланишини нафақат қишлоқ хўжалиги соҳасида балки, республикализинг бошқа соҳалари катори авиация соҳасида ҳам кўришимиз мумкин. Авиация хизматлари халқаро бозорида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг рақобатдошлилигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1996 йил 25 ноябрда «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» авиакомпанияси томонидан иккита қиймати 201 826 000 ақш доллари суммасига тенг Боинг-767-300 ег самолёти ва PW-4062 русумли двигатель комплекти юзасидан «Боинг» (ақш) ва «Пратт Энд Уитней» (ақш) компаниялари билан молиявий ижара(лизинг) контрактлар имзоланган.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнларини янада ривожлантириш мақсадида 1997 йилда йирик корхоналар таркибидан ягона технологик занжирларни бузмайдиган алоҳида объектларни ажратиш имкониятларидан фойдаланилади, бундан мақсад уларни бир-бирига ўхшаш, аммо бир-бирига қарам бўлмаган рақобатлашувчи ишлаб чиқаришларга бўлишдир. Йирик объектларни хусусийлаштириш жараёнида мулкларни, кейинчалик алоҳида цехларга, участкаларга, сотиб олиш ҳуқуқи билан ёки ҳуқуқсиз, лизингга беришга руҳсат этилади²⁴.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётгон барча тижорат банкларга "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" 1996 йил 25 апрельдаги қонунга асосан лизинг фаолити билан шуғулланишга руҳсат этилган.

²⁴Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жараёнларини янада ривожлантириш тўғрисида" ги 460-сонли қарори, 1996 йил 27 декабрь.

Республика иқтисодиётининг аграр секторига лизинг бўйича юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор асосида 1997 йил 27 февралда «ЎзКейсагролизинг» қўшма лизинг компанияси ташкил этилади. «ЎзКейсагролизинг» қўшма лизинг компанияси фаолиятининг қуйидаги асосий йўналишлари²⁵:

- мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларга лизинг бўйича замонавий юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникаси етказиб беришни ўртача муддатларга маблағ билан таъминлаш;

- республикага тракторлар, комбайнлар ва механизациялаш воситалари етказиб бериш ва уларни «Ўзқишлоқхўжаликтаъминот-тузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг машина-трактор паркларига ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг шартларида бериш;

- фермер (деҳқон) хўжаликларига, шахсий ёрдамчи хўжаликларга ва томорқа эгаларига кичик механизация воситаларини лизинг бўйича бериш;

- хорижий бозорларни маркетинг асосида тадқиқ қилиш, жаҳон стандартларига мувофиқ келувчи энг янги қишлоқ хўжалиги технологияларини ва асбоб-ускуналарни танлаб олиш ва уларни республикага етказиб бериш.

«ЎзКейсагролизинг» қўшма лизинг компаниясига:

- зарур бўлганда лизинг бўйича олинган техниканинг лизинг олувчилар билан келишилган жадаллаштирилган амортизация нормаларини белгилашга;

- лизинг тўловларини қоплаш учун лизинг олувчилар билан компенсация битишувларини амалга оширишга;

- лизинг олувчилардан, шу жумладан, давлат мулки шаклидаги хўжаликлардан мол-мулкни, контрактлар юзасидан ҳуқуқларни ва маҳсулотни гаров сифатида қабул қилишга;

²⁵Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “«Ўзкейсагролизинг» Ўзбекистон—Америка қўшма лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги 111-сонли қарори, 1997 йил 11 февраль.

-лизинг олувчилар лизинг тўловлари бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ҳолларда улардан компенсация битишувлари натижасида, шунингдек гаров сифатида олинган маҳсулотни ва мол-мулкни ички ва ташқи бозорларда белгиланган тартибда сотишга;




1.1-расм. Қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналар етказиб бериш ва уларни лизингга бериш схемаси²⁶

Юқоридаги схемада «ЎзКейсагролизинг» қўшма лизинг компаниясининг фаолият доираси акс эттирилган.

«В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти томонидан авиация техникаси экспортга етказиб берилишини кучайтириш учун қўшимча шароитлар яратиш мақсадида «В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Асака» акциядорлик-тижорат банкининг «Сибавиатранс» (Россия), «Уралэкоресурс»

²⁶ «ЎзКейсагролизинг» қўшма лизинг компаниясининг фаолият доираси

ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти (Россия), «Кедр» тижорат банки (Россия), «Свердлсоцбанк» Свердлов вилояти худудини ижтимоий ривожлантириш тижорат банки (Россия) билан биргаликда дастлабки устав сармояси тайёр махсулот, мол-мулк ва пул улуши тарзида 24,5 млн. АҚШ доллари бўлган очик турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзавиализинг» акциядорлик-лизинг компаниясини ташкил этилган.



1.2-расм. «Ўзавиализинг» акциядорлик-лизинг компаниясини бошқариш тузилмаси²⁷

Қуйидагилар «Ўзавиализинг» акциядорлик-лизинг компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари²⁸:

-республикада ишлаб чиқарилган авиация техникасини кейинчалик молиявий ва оператив лизингга бериш учун миллий ва хорижий валютада ўз маблағлари ва қарз олинган маблағлар ҳисобига харид қилиш;

²⁷Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “«Ўзавиализинг» акциядорлик-лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги556-сонли қарори, 1997 йил 19декабр.

²⁸Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “«Ўзавиализинг» акциядорлик-лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги556-сонли қарори, 1997 йил 19декабр.

-авиация техникаси бозорлари маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш.



1.3-расм. «Ўзавиализинг» акциядорлик-лизинг компанияси томонидан лизинг операцияларини ўтказиш схемаси²⁹

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2000 йил 26 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, қарор халқаро молиявий ижара (лизинг) тўғрисидаги хусусий ҳуқуқни бирхиллаштириш бўйича БМТ халқаро институтининг (UNIDROIT) конвенциясига кўшил тўғрисида қарор чиқаради.

Ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган йирик компаниялардан бири бўлган, «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» давлат-акциядорлик лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги дастлабки қадамлар Вазирлар Маҳкамасининг “1998 — 2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзавиализинг» акциядорлик-лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида” ги556-сонли қарори, 1997 йил 19 декабр.

иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурини амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида” қарори асосида бошланган ва ушбу қарорга асосан «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг», «Ўз-қишлоқхўжаликтаъминоттузатиш», Молия вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлигига таклифлар киритиш юзасидан топшириқлар берилган.

Қишлоқ хўжалигини юқори самарали замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан жиҳозлашни рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини, шу жумладан етакчи хорижий компаниялар иштирокида ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, қишлоққа етказиб берилаётган тракторлар ва ўрим-йиғим техникаси учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» Акциядорлик лизинг компанияси ташкил этилади.

«Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси қуйидаги функцияларни бажаради:³⁰

-лизинг олувчиларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш юзасидан берилган буюртмаларини умумлаштириш;

-Жамғарманинг кафолат хатлари билан тасдиқланган молиявий манбалар асосида замонавий қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки уларнинг расмий дистрибьюторлари томонидан етказиб бериш юзасидан буюртмаларни жойлаштириш;

-жойлаштирилган буюртмаларга мувофиқ ишлаб чиқариладиган ва етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникаси учун ўз вақтида аванслар тўлаш ва узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш;

-лизинг шартномалари тузиш ва, ҳам янги техникани, ҳам белгиланган тартибда талаб қилиб олинган илгари лизинг олувчиларга лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга бериш;

³⁰Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигини лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги424-сонли қарори, 2000 йил 2 ноябрь.

-лизинг шартномалари бўйича тўловларнинг ўз вақтида ундирилишини ва уларнинг тегишли қисми Жамғармага ўтказилишини таъминлаш;

-лизинг тўловлари тўғри ҳисоблаб ёзилишини ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ улар юзасидан ҳисоб-китоблар ва ҳисобот юритилишини таъминлаш.



1.4-расм. «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси³¹

Юқоридаги жадвалларда, ҳозирги кунда лизинг хизматлар бозорида фаолият олиб бораётган лизинг компаниялари ташкилий тузилмалари кўрсатилган бўлиб, уларда асосан ташкилий тузилманинг чизиқли –поғонали тизими қўлланилган. Бу ўз навбатида лизинг компанияларининг лизинг хизматлар бозорида амалга ошираётган лизинг операцияларини тезкорлигини ва бошқарув қарорларини қабул қилишда вақт ва харажатлар жиҳатдан тежамкорлик олиб келмоқда.

³¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалигини лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги424-сонли қарори, 2000 йил 2 ноябрь.

1.3. Лизинг хизматлари турлари ва бошқариш самарадорлигининг хусусиятлари

Республикамиз барча иқтисодий соҳалар ва тармоқларда жуда тез ривожланиб бораётган ва шу билан бирга халқаро бозорда ўзининг нуфузига эга мамлакатлар қаторига киради. Ушбу ривожланиш тенденцияси албатта, юртимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохатларга боглиқ ҳисобланади. Айнан молиявий секторни ривожланиши, унга замонавий янги тушунчаларни ва хизматларни кириб келиши шулар жумласидандир. Лизинг хизматлари бевосита молиявий муносабатлар билан боглиқ ҳисобланиб, унинг иқтисодиётимизда тутган ўрни йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Лизинг унинг учта субъекти иштирок этадиган тўғридан-тўғри шаклда ҳам, лизинг олувчи ва сотувчи бўлиб бир шахснинг ўзи иштирок этадиган қайтариладиган шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган лизингобъектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга қўшимча лизингга топширишга ҳақли. Қўшимча лизинг шартномасининг амал қилиш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Лизинг одатдаги кредит муносабатлардан фарқли биринчи навбатда, мазмуни, шакли, ташкилий жиҳатдан таъминланиши, иштирокчилар доираси, иқтисодий самараси ва солиққа тортилиш тизими билан ажралиб туради. Бу фарқлар шундан келиб чиқадики, лизинг олинганида кредит муносабатлари кейинчалик ижара муносабатлари билан уйғунлашиб кетади.

Лизинг хизматлари бозорининг рижланиши, лизинг турларинг лизинг субъектларига мос келиши ва бошқа молиявий воситалардан афзаллиги билан белгиланади. Ижарадан лизингнинг фарқи шуки, лизинг берувчи муайян ишлаб чиқарувчидан муайян кўрсаткичларга эга бўлган лизинг мол-мулкни лизинг олувчининг топширувига биноан сотиб олиш мажбуриятини олади.

Кредит ва лизинг муносабатларининг энг муҳим фарқлари³²

Кўрсаткичлар	Муносабат турлари	
	Кредит	Лизинг
Объектга мулкчилик	Мулкчилик ҳуқуқи қарз олувчига берилади. Эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи қарз олувчига тегишлидир.	Объектни мулк қилиб олиш опционли мулк ҳуқуқини топшириш эмас. Эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи мулкчилик ҳуқуқидан ажратилади.
Сотувчи билан муносабатлар да харидор ҳисобланади	Барча ҳолатларда қарз олувчи ёки унинг вакили	Лизинг олувчи агар сотувчини ўзи танласа, у харидорга тенглаштирилади. Акс ҳолда мулкни кейинчалик ижарага топшириш мақсадини кўзлайдиган лизинг берувчи харидор ҳисобланади.
Кредитнинг таъминоти	Мол-мулкни гаровга қўйиш, банк кафолати, ипотека, кафиллик ва б.	Асосан лизинг объекти
Лизинг объектига чикимлар таснифи	Кредит ҳисобидан инвестициялаш	Лизинг туловлари: кредит учун ҳақ, амортизация ажратмалари, воситачилик ҳақи, қўшимча хизматлар учун ҳақ, суғурта туловлари.
Кредитни бериш ва узиш шакли	Валюта — пул	Тулаш - товар шаклида, узиш - валюта-пул, компенсация ва аралаш шаклларда

Юқоридаги жадвалда лизинг ва кредитнинг фарқлари берилган бўлиб, уни таҳлил этиш жараёнида лизингни иқтисодий моҳиятини тўлиқ тушиниш мумкин.

Лизинг жадал амортизациядан фойдаланиш имконини беради, шу йўл билан тадбиркор мулк солиғи суммасини камайтиришга эришади. Лизинг олувчи олдидаги асбоб-ускуналарнинг сифати, бутлиги, етказиб бериш муддатлари ва бошқа хизматлар учун лизинг берувчи эмас, балки маҳсулот ишлаб чиқарувчи жавоб беради.

³² “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” АЛК “Ҳисоб-китоб, кредит операциялари ва қимматли қоғозлар” бўлими бош мутахассиси Э.С. Қурбоновнинг “Ўзбекистонда лизинг бозори таҳлили” мавзусидаги маърузасидан

Илмий адабиётларда кўрсатилгандек лизингникенг тарқалган иккита тури мавжуд³³:

-молиявий лизинг:лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтади ва лизинг шартномаси муддати лизинг объектининг хизмат муддатида 80 фоиздан ортиқ бўлади ёки лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан камини ташкил этади

- оператив лизинг:сотиб олиш ҳуқуқи бўлмайди ва лизинг тўловлари лизинг берувчини барча сарфларини қопламайди

Лизинг муносабатларига оид илмий ишларда лизингнинг ҳозирги иқтисодиётдаги турлари қуйидагича ажратилган:

- молиявий ва оператив лизинг: лизингга олинган мол-мулкдан фойдаланиш муддатига қараб;

- тоза ва ҳўл лизинг: лизинг хизматининг ҳажми ва шаклига қараб;

- халқаро ва ички лизинг: лизинг бозорининг жойлашган жойига қараб;

- қайтарма ва аралаш лизинг: лизинг муносабатларининг характериға қараб;

- алоҳидаланган ва гуруҳланган лизинг: лизингни молиялаш қатнашчиларининг таркибига қараб;

- бошқа турдаги лизинг объекти билан алмаштириладиган ва айнан шу турдагии янги лизинг объекти алмаштириладиган лизинг: лизинг объектини янгиланишиға қараб;

- қўшимча лизинг ва асосий лизинг: лизинг объектини учинчи шахсға фойдаланиш учун берилишиға қараб .

Молиявий лизинг ғарб мамлакатларида XX асрнинг 80 – йилларига келиб жадал ривожлана бошлади. Ҳозирги пайтда ривожланган

³³ Д.Ғ.Ғозибеков, О.Ш.Собиров, А.Ғ.Мўминов, О.М.Қулжонов. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти.–Т.: Фан ва технология, 2004

мамлакатларда инвестицияларнинг 25-30 фоизи лизинг операцияларига тўғри келади. Шунингдек, янги тур маҳсулотлардан 80 фоизга яқини айнан лизинг асосидаги ускуналарда ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ оператив лизинг «ижара» деган маънони англатади, молиявий лизинг эса «молиявий ижара» ёки «лизинг» маъносини англатади

Оператив лизингда лизинг берувчи ўз харажатларини битта лизинг шартномаси орқали қоплашни мақсад қилиб қўймайди. Бошқача қилиб айтганда, лизинг берувчи ўз харажатларини битта лизинг олувчи ҳисобига қопламайди. Лизинг берувчи машина ва ускуналарни умумий хизмат даврида техник кўриқдан ўтказиш, таъмирлаш ишларини амалга оширади.

Тезкор(оператив) лизинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- лизинг берувчилар учун янги имконият;
- технологиялар тез ўзгариши;
- иккиламчи бозор ривожланиши;
- сервис хизмати бўйича шартнома;
- лизинг объектини лизинг берувчига қайтариш.

Халқаро лизингда экспорт ва импорт лизинги фарқланади. Агар лизинг компанияси лизинг предметини маҳаллий ишлаб чиқарувчидан ҳарид қилиб, уни хорижий лизинг олувчига тақдим этса, унда у экспорт лизинги бўлади. Аксинча бўлганда, яъни лизинг предмети хорижий ишлаб чиқарувчидан ҳарид қилиниб, маҳаллий лизинг олувчига тақдим этилса, унда импорт лизинги амалга оширилган бўлади.

Ички лизингда сотувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчилар орасидаги муносабатлар бир мамлакат ичида амалга оширилади.

Тоза лизингда лизинг олувчи лизингга олинган объектга техник ва бошқа хизматларни кўрсатишни ўз зиммасига олса, ҳўл лизингда лизинг берувчи лизинг объекти билан бирга унга техник хизмат кўрсатиш, уни таъмирлаш, суғурталаш, унда ишловчи кадрларни тайёрлаш, маркетинг хизматини ташкил этиш, тайёр маҳсулот рекламаси, ҳом ашё билан

таъминлаш каби хизматларни ҳам қилиши мумкин. Бунга кетадиган харажатлар лизинг тўловларига киритилади.

Қайтарма лизингда бўлажак лизинг олувчи корхонанинг ускунаси бор, лекин унга асосий ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун молиявий маблағлар етишмайди. Шу сабабли корхона, ўзининг мулкни лизинг компаниясига сотади, кейин эса айнан шу ускунани лизинг берувчидан лизингга олади. Натижада, корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун айланма маблағлар пайдо бўлади ва ускунадан лизинг шартларида фойдаланиш имконияти вужудга келади.

Аралаш лизинг - бу молиявий ва оператив лизингнинг барча элементларидан ташкил топган. Бунда лизинг берувчи лизинг олувчи томонидан кўрсатилган сотувчидаги мулкни лизингга бериш мақсадида сотиб олади ва лизинг олувчига лизингга етказиб беради. Лизинг муддати тугаши билан мулк лизинг олувчига ўтади.

Алоҳидаланган лизингда, лизинг берувчи лизинг объектини харид қилиш учун кетадиган маблағнинг бир қисмини ўз маблағи эвазига тўлайди, қолган қисмини эса бир ёки бир нечта кредиторлардан ссуда шаклида олиб тўлаб беради.

Гурухланган лизингда лизинг берувчи жихозларни лизингга беришни банк ёки бошқа кредиторлардан олинган қарз маблағларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади. Қарз маблағлари лизинг объекти умумий нарҳининг 60-80 фоизини ташкил этиши мумкин.

Қўшимча лизинг - бу тадбиркорлик фаолиятининг бир тури бўлиб, бунда лизинг объекти лизинг берувчининг ёзма розилиги асосида лизинг олувчи томонидан фойдаланиш учун учинчи шахсга берилади. Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида асосий лизинг шартномаси асосида жавобгар бўлиб қолади. Қўшимча лизинг шартномаси асосий лизинг шартномаси каби ёзма шаклида тузилади. Асосий лизингда лизинг объектини учинчи шахсга фойдаланишга бериш ҳуқуқи кўзда тутилмайди.

Бошқариш самарадорлиги ўз табиати билан мураккаб жараён. Уни фақат битта ёки иккита кўрсаткич билан ифодалаб бўлмайди. Бунинг учун кўрсаткичлар тизими зарур. Бу тизимни иккита йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

Бошқариш тизими фаолиятини тавсифловчи миқдорий кўрсаткичлар, яъни:

-бошқарувдаги жонли меҳнатнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар;

-бошқарув учун сарфланган молиявий ресурсларнинг тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар;

-бошқариш учун сарфланадиган вақтни тежалишини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Бошқарувнинг ижтимоий самарадорлигини тавсифловчи сифат кўрсаткичлари, яъни:

-бошқаришнинг илмий-техник даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар;

-бошқарув аппарати ходимларининг малакаси даражасини тавсифловчи кўрсаткичлар;

-қабул қилинган қарорлар самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар;

-бошқарув жараёнидаги ахборотларнинг ишончилиги ва тўлиқлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

-бошқариш маданиятини тасифловчи кўрсаткичлар;

-коммуникациянинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар;

-бошқарув аппаратидаги меҳнат шароитини тавсифловчи кўрсаткичлар ва ҳк.

Бошқарув самарадорлигига баҳо бериш учун жуда кўп турли-туман миқдорий ва сифат кўрсаткичлари қўлланилади. Ҳар бир кўрсаткични қуйидаги тарзда тақсимлаш керак³⁴:

³⁴Н.Йўлдошев “МЕНЕЖМЕНТ” фанидан маърузалар матни, ТДИУ -2012, -155-б.

-бирор давр ҳақиқий кўрсаткичларини режадаги, нормативдаги кўрсаткичлар билан;

-жорий давр ҳақиқий кўрсаткичларини ўтган даврлар кўрсаткичлари билан;

-бир корхона ҳақиқий кўрсаткичларини бошқа корхона ҳақиқий кўрсаткичлари билан.

Шундагина иқтисодий таҳлил ҳам макон, ҳам замон нуқтаи назардан амалга оширилган бўлади.

Бошқарув меҳнати самарадорлиги (бир йил ҳисобида) қуйидагича ҳисобланади:

$$J_{\text{бс}} = C_1/BX_1 : C_0/BX_0 \quad (1.1),$$

Бу ерда: $J_{\text{бс}}$ - бошқарув самарадорлиги индекси;

C_0 ва C_1 - базис ва жорий даврларда эришилган самара (ялпи хизмат ёки товар маҳсулоти);

BX_0 ва BX_1 - базис ва жорий даврлардаги бошқарув харажатлари.

Йиллик бошқарув харажатлари қуйидаги харажатларни ўз ичига олади:

-муҳандис-техник ходимлар ва хизматчилар иш ҳақи;

-материал учун харажатлар;

-ЭХМ ва оргтехникани эксплуатацияси учун сарфланган харажатлар;

-қўшимча ва бир йўла қилинадиган харажатлар (бошқарув техникаси ва ускуналарини сотиб олиш, ташкилий лойиҳаларни молиялаштириш ва ҳк.).

Ишлаб чиқаришни бошқариш учун сарфланадиган йиллик умумий сарф ($BX_{\text{бак}}$) қуйидагича аниқланалди:

$$BX_{\text{бак}} = ЖХи + Еи * БИХ \quad (1.2),$$

Бу ерда: $BX_{\text{бак}}$ - бошқариш учун сарфланган бир асосга келтирилган харажатлар;

$ЖХи$ - йиллик жорий харажатлар;

$Еи$ - самарадорликнинг норматив коэффиценти (0,15);

БИХ - бир йўла харажатлар.

Йиллик жорий харажатлар қуйидагича ҳисобланади:

$$ЖХи = БМХ + ИХб * (1+a) \quad (1.3),$$

Бу ерда: ИХб - бошқарув ходимларининг иш хақи учун сарфлар;

БМХ - бошқариш учун зарур бўлган материалларга сарфланган харажатлар;

a - қўшимча ва турли харажатлар коэффиценти.

Қўшимча харажатлар:

-хизмат сафарлари;

-транспортни молиялаш;

-ихтиро ва рационализаторлик таклифларини тадбиқ қилишга ажратилган сарфлар;

-меҳнатни ҳимоя қилиш каби харажатлардан ташкил топади.

Бир йўла харажатлар (БЙХ) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$БЙХ = Хби + Хии \quad (1.4),$$

Бу ерда: Хбт - бошқарув техникаларини сотиб олиш учун харажатлар;

Хии - бошқарувни такомиллаштириш учун бажарилган илмий ишланмалар, лойиҳалар учун харажатлар.

Бошқарув ходимлари:

-корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг меҳнат талабчанлик даражасини қисқартиришга;

-корхонанинг бир маромда ишлашини таъминлашга;

-ишлаб чиқаришни моддий-техник базасини мустаҳкамлашга;

-бизнес-режа ва техник-иқтисодий кўрсаткичларни оптималлаштиришга катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли, меҳнат унумдорлигининг ошиши эвазига тежалган бошқарув харажатлари (меҳнати)ни (Итму) аниқлаш ўта зарурдир:

$$ИТму = J_{мух} : J_{бс} \quad (1.5),$$

Бу ерда: $J_{мух}$ - меҳнат унумдорлиги индекси;

$J_{бс}$ - бошқарув харажатлари индекси.

Бошқарув ходимининг меҳнат унумдорлиги қуйидагича аниқланади:

$$\text{МУбх} = \text{ЯМ (ТМ)} / \text{Тт} \quad (1.6),$$

Бу ерда: МУбх - бошқарув ходимларининг меҳнат унумдорлиги);

ЯМ (ТМ) - бир йилда ишлаб чиқарилган ялпи ёки товар маҳсулоти, сўм;

Тт - бошқарув ходимларининг ўртача йиллик сони, киши.

Агар меҳнат унумдорлиги ошиб борса, у ҳолда меҳнат сарфи камаяди, аммо тўғридан-тўғри нисбатда камаймайди, яъни ишлаб чиқаришнинг ўсиши меҳнат сарфининг камайиш фоизига тенг эмас. Бу боғланишни лизинг хизматлари бошқарув фаолиятида қўллаш мумкин.

Ўбоб бўйича хулоса

Ҳозирги кунда лизинг компаниялари фаолияти самарадорлигига кўплаб ҳам ички, ҳам ташқи омиллар таъсир этиши сабабли уни бошқаришнинг энг яхши усули аниқ вазиятни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Шу вазиятга энг мос бўлган усул энг самарали усул бўлади. Шу сабабли муваффақиятли бошқарув интеграция қилинган ёндашувни талаб этади.

Лизинг компаниялари таркибида ҳам давлат, ҳам хусусий корхона, фирма, акционер жамиятлари ва тижорат банклари фаолият юритади. Лизинг компаниялари, акционерлар жамиятлари ва фан-техника салоҳиятидаги самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни кооперациялаш ва уйғунлаштириш ва уйғунлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан лизинг объектларини лизинг олувчиларга лизинг шартномаси асосида беради. Улар хўжалик ҳисоби асосида саноат, қурилиш, транспорт, савдо ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи таркибий қисмлардан ташкил топади. Таркибий қисм банкда алоҳида баланс ва ҳисоб рақамига эга бўлиши ва ижара пудрати бўйича, хусусий соҳада иш юритиши мумкин.

II БОБ. ИҚТИСОДИЁТДА ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ ВА САМАРАЛИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН ЛИЗИНГ КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1 Ўзбекистон миллий иқтисодиётида лизинг хизматлари бозорининг ривожланиш тенденциялари ва унинг ҳозирги ҳолати таҳлили

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида лизинг хизматлари бозорининг ўрни ҳам муҳим аҳамият касб этиб, бошқа соҳалар қатори лизинг фаолияти ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Бу ўринда лизинг хизматлари билан шуғулланаётган компания, банк ва бошқа ташкилотларнинг ўрни бекиёс ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси лизинг бозорида сўнгги ўн йиллик кўрсаткичларни таҳлил қилар эканмиз, республикада лизинг соҳасида фаолият кўрсатаётган иштирокчиларнинг йилдан-йилга миқдор ва ҳажм жиҳатдан ўсишини кузатишимиз мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Лизинг берувчилар ассоциацияси маълумотларига кўра, 2015 йил якунларида Республикада лизинг бозорида жами иштирокчилари 90тани ташкил этган бўлиб, шулардан 24таси тижорат банклари ва 66таси лизинг компаниялари ҳисобланиб, уларнинг фаолияти бевосита республикада лизинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган.



2.1-расм. Лизинг хизматлари бозорида жами иштирокчилар³⁵

³⁵Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган, 2004-2015 йй.

Республикаимиз иқтисодиётида лизинг фаолияти билан шуғулланувчи компания ва банкларнинг йилдан йилга ортиб бораётганини юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкин. Лизинг бозорида 2015 йилнинг якунлари бўйича жами иштирокчилар 28 бирликни ташкил этган бўлса, 2012,2013 йилларда 99 бирликни ташкил этган бўлиб, салкам 3,5 барабарга ошган. Лекин 2014,2015 йилларда айрим компанияларнинг тугатилиши ёки бирлашуви сабабли 88 ва 90 бирликни ташкил этган.


Қуйидаги жадвалда республикаимизда лизинг соҳасида фаолият кўрсатаётган компания, банк ва бошқа ташкилотларнинг лизинг бозоридаги лизинг операцияларини амалга ошириш бўйича улушлари берилган.



2.2-расм. Ўзбекистон лизинг хизматлари бозорида иштирокчи- лари улуши, млрд. сўм³⁶

³⁶ Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси йиллик ҳисобот маълумоталари асосида муаллиф томонидан тузилган, 2004-2015 йй.

Ўзбекистон Республикаси лизинг хизматлари бозорида фаолият кўрсатаётган лизинг компаниялари 2005 йилдаги жами лизинг хажми 65,9млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 290,9 млрд. сўмни, 2015 йилда 664,6 млрд. сўмни ташкил этиб, қарийб 10,0 барабарга кўпайган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2005 йилда лизинг иштирокчиларига ўртача тўғри келган лизинг хажми 3.2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб,бу кўрсаткич9,39 млрд.сўмни ташкил этган.



2.3-расм. Ўзбекистон лизинг хизматлари бозорида иштирокчилар улуши, фоизда³⁷

Лизинг бозорида иштирокчиларнинг асосийлари лизинг компаниялар ҳисобланиб, 2005 йилда уларнинг улуши 72.8 фоизни ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 50.1 фоизга тушган. Бунинг асосий сабаби, ушбу йилда лизинг фаолияти билан шугулланувчи тижорат банклари ва бошқа молиявий ташкилотлар лизинг ҳажмини оширишган. Юқоридаги

³⁷Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган, 2004-2015 йй.

маълумотлар асосида, шуни таъкидлаш жоизки, 2007 йилдан 2015 йилгача бўлган даврда банкларнинг лизинг операциялари ҳажм улуши асосида қисқариб борган бўлиб, 2015 йилда энг қуйи кўрсаткич 21.8 фоизни ташкил этган.

2.1-жадвал.


Лизинг орқали асосий капиталга инвестициялар³⁸

Йиллар	Лизингга берилган воситалар қиймати, млрд. сўм	Лизингга берилган воситалар қиймати, йиллик ўсиши		Асосий капиталга инвестицияда лизинг улуши, %	ЯИМ да лизинг улуши, %	ЯИМ да лизинг портфели улуши, %
		млрд. сўм	фоизда			
2005	90,6	44,7	97%	3,72	0,60	0,94
2006	131,1	40,5	45%	4,22	0,63	1,16
2007	214,5	83,4	64%	3,91	0,76	1,20
2008	351,6	137,1	64%	4,15	0,95	2,22
2009	401,6	50,0	14%	3,19	0,84	2,32
2010	430,3	28,7	7%	2,80	0,70	1,80
2011	484,5	54,2	13%	2,65	0,62	1,62
2012	590,6	106,1	22%	2,70	0,60	1,30
2013	805,2	214,6	36%	2,80	0,70	1,30
2014	826,2	21,0	3%	2,50	0,60	1,50
2015	850,0	23,8	3%	-	-	-
Йиллар бўйича ўртача	470.56	73.1	33%	3.26	0.7	1.53

Асосий капиталга инвестиция киритишда лизингни улуши 2014 йилда 2,30 фоизни, 2015 йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича бу кўрсаткич 2,30 фоизни ташкил этган. Сўнги ўн йиллик бўйича ушбу кўрсаткич 2006 йилда энг юқори - 4,22 фоизга кўтарилган, 2014 йилда эса, энг қуйи – 2,50 фоизни

³⁸ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган, 2004-2015 йй.

кўрсатган бўлиб, сўнги ўн йиллик бўйича ўртача ҳисоблаганда 3,26 фоизни кўрсатган.




2.4-расм. 2005-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси ЯИМсида лизинг портфели улуши, фоизда³⁹

Лизинг хизматлари ҳажмининг ЯИМдаги улуши сўнги ўн йиллик кўрсаткичларда бир меъёрга ўзгариб борган. Бу кўрсаткич 2005 йилда 0.6 фоизни ташкил этган бўлиб, 90.6 млрд. сўмга тенг бўлган. 2014 йилда бу улуш ўзгармаган ҳолда, 826.2 млрд. сўмни ташкил этган. Бу ўз навбатида ЯИМнинг йиллик ўсиши ва мамлакатимизда қолган соҳаларда ҳам ривожланиш бўлаётганлигидан далолатдир. Лизинг портфели улуши эса, 2014 йилда 1.5 фоизни ташкил этган бўлиб, 2, 139 трлн.га тенг бўлган. Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, асосий капиталга инвестицияларда лизинг улуши 2006 йилда енг юқори кўрсаткич – 4,22 фоизни, яъни 131.1 млрд. сўмни ташкил этиб, кейинги йиллар мобайнида сезиларли камайган ҳамда 2014 йилда 2.50 фоизни ташкил этган. Бунга

³⁹ Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан таёрланган

асосий сабаб, миллий иқтисодиётда асосий капиталга инвестициялар киритишда лизинг катори бошқа молиявий воситаларни ҳам йиллик хажми ошаётганлигидир.




2.5-расм. Ўзбекистонда янги лизинг битимларининг йиллар бўйича микдори, дон⁴⁰

Лизинг компаниялари, банклар ҳамда бошқа молиявий ташкилотлар томонидан тузилган умумий лизинг битимлари портфели 2005 йилга келиб 13 068 донани ташкил этган бўлиб, шундан янги лизинг битимлари 4 078 донанага кўпайган ҳамда лизинг битимлари портфел қиймати 96,17 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткичлармос равишда 146,7%, 158% ва 7 барабарга ошган, яъни 27 981 донана лизинг портфели, 7 026 донана янги лизинг битимлари ва 1 297,0 млрд. сўмлик лизинг портфели қийматига эга бўлган бўлиб, ушбу йил сўнги ўн йиллик натижалари бўйича янги лизинг битимлари микдори жихатдан кўплигини қайд этиш мумкин.

Янги битимлар бўйича лизинг портфели қиймати 2013 йилда 136.3%, 2014 йилда 102.6%, 2015 йилда 102.9 фоизга ошган. Лизинг битимлари портфели қиймати эса, 2015 йилнинг биринчи чорагида 2, 352 трлн. сўмни ташкил қилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврга нисбатан 114,5 фоизга ошган. Бу кўрсаткич бўйича энг юқори ўсиш қиймати 2008 йилга тўғри келиб, 2007


⁴⁰ Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф томонидан таёрланган

йилга нисбатан қарийб 4 барабарга ошган ва 862.55 млрд. сўмни ташкил қилган.



2.6-расм. Ўзбекистонда янги лизинг битимларининг йиллар бўйича қиймати⁴¹

Ўзбекистон Республикаси лизинг бозорида тузилган лизинг битимларнинг жами портфел қиймати 2015 йилда 2450.0 млрд. сўмни ташкил этган.



2.7-расм. Лизинг битимларининг асосий воситалар бўйича тақсими, фоизда⁴²

⁴¹ Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида

⁴² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари асосида

Лизинг бозорида битимларнинг энг асосийси қишлоқ хўжалик техникаларга тузилаётган битимлар ташкил этиб, 2015 йилда ушбу кўрсаткич 32,9 фоизни ташкил этган. 2013 йилда эса, бу кўрсаткич сўнги беш йилликда энг юқори натижани кўрсатган ва 37.5 фоизга тўғри келган. Автотранспорт воситаларига тузилаётган лизинг битимлари 2014 йилда 24,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилнинг 19,8 фоизни ташкил этган бўлиб, жами улуш ҳисобида камайган. Бунга асосий сабаб, автотранспорт воситаларинг кенг миқёсда кредитобъекти сифатида бозорга чиқарилганлигидир.



2.8-расм. Лизинг битимларининг қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича тақсимооти, млрд. сўм⁴³

Лизинг бозорида битимларнинг энг асосийси қишлоқ хўжалик техникаларга тузилаётган битимлар ташкил этиб, 2014 йилда ушбу кўрсаткич 34,2 фоизни ташкил этган. Автотранспорт воситаларига тузилаётган лизинг битимлари 2014 йилда 24, 4 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилнинг биринчи чорагида 34,1 фоизни ташкил этган бўлиб, қишлоқ хўжалиги техникаларига тузилаган битимлардан ошиб кетган. Бунга асосий сабаб, автотранспорт воситаларинг кенг миқёсда лизинг объекти сифатида бозорга чиқарилганлигидир.

⁴³Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида



2.9-расм. Лизинг битимларининг автотранспорт воситалари бўйича тақсимоти, млрд. сўм⁴⁴

Лизинг бозорида лизинг битимларининг автотранспорт воситалари бўйича тақсимотида 2010 йилда 121.2 млрд. сўмга, 2011 йилда 120.3 млрд. сўмга ёки 0.8 фоизга камайган, 2012 йилда 173.7 млрд.сўмга ёки 144 фоизга ошган, 2013 йилда 199.7 млрд. сўмга ёки 115 фоизга ошган.2014 йил якунлари бўйича лизингга берилган автотранспорт воситаларикиймати 201,6млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 168.3 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилга нисбатан 16.5 фоизга камайган.



2.10-расм. Лизинг битимларининг кўчмас мол-мулк бўйича тақсимоти, млрд.сўм⁴⁵

Лизинг бозорида лизинг битимларининг кўчмас мол-мулк бўйича тақсимотида 2010 йилда 62.9 млрд. сўмга, 2011 йилда 68.9 млрд. сўмга ёки

⁴⁴ Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида

⁴⁵ Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида

109.6 фоизга ошган, 2012 йилда 77.7 млрд.сўмга ёки 112,7 фоизга ошган, 2013 йилда 131.2 млрд. сўмга ёки 169,0 фоизга ошган. 2014 йил якунлари бўйича лизингга берилган кўчмас мол-мулк қиймати 113.2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 142.0 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилга нисбатан 125.4 фоизга кўпайган.




2.11-расм. Лизинг битимларининг технологик жиҳозлар бўйича тақсимоти, млрд.сўм⁴⁶

Лизинг бозорида лизинг битимларининг технологик жиҳозлар бўйича тақсимотида 2010 йилда 122.6 млрд. сўмга, 2011 йилда 145.7 млрд. сўмга ёки 118.8 фоизга ошган, 2012 йилда 143.7 млрд.сўмга ёки 1,3 фоизга камайган, 2013 йилда 172.3 млрд. сўмга ёки 119.9 фоизга ошган. 2014 йил якунлари бўйича лизингга берилган технологик жиҳозлар қиймати 228.9 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда 260.1 млрд. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилга нисбатан 113.7 фоизга кўпайган. Кўрсаткичларнинг ўзгариш моҳияти шундаки,мамлакатимизЎзбекистон Республикаси президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2007 йилнинг 14 мартдаги ПФ-3860-сонли фармони асосида иқтисодиётида олиб борилаётган ислохатлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг мавжуд технологияларини янгилаш ва модернизациялаш орқали ишлаб чиқариш

⁴⁶ Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида

унумдорлигига ериш технологи жихозларга бўлган бозор талабини оширмоқда.



2.12-расм. Лизинг битимларининг асосий воситалар бўйича 2015 йилнинг йиллик натижалари асосида тақсимоти, фоида⁴⁷

Лизинг ҳажмларининг 2015 йилда ўсиш суръати аввалги йилга нисбатан 2.6 фоидага ошди. 2013 йилда бу кўрсаткич 805,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йил якунлари бўйича у 21,0 млрд. сўмга ўсди ва 826,2 млрд. сўмга етди.

2.2.“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси бошқарув самарадорлигининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини таҳлили

Республикаимиз иқтисодиётида лизинг хизматлари бозори тармоқ сифатида бошқа ривожланиб бораётган хизмат кўрсатувчи тармоқлардан бир қанча хусусиятлар билан ажралиб туради.Лизинг компаниялари ичида “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси ўзининг ривожланиш даврида лизинг хизматлари бозорида рақобатбардошлик ва молиявий кўрсаткичларнинг бир маромда ўсишини таъминлашда, ишбилармон ҳамкорлар ва мижозларда илиқ репутацияни шакллантиришда иқтисодий ва бошқарув потенциалидан самарали фойдаланиб келмоқда.

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг1999 йил 30 октябрдаги 486-сонли қарорига асосан “Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг” компанияси,

⁴⁷ Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида

Германиянинг қишлоқ хўжалиги машинасозлик ва уруғчилик корхоналари “Зелко” уюушмаси ҳамда “Ўзсаноатмашимпекс” давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси томонидан ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда лизинг бозорида йирик иштирокчи сифатида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилнинг ноябрдаги 424-сонли “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси қуйидаги функциялар бажариб келмоқда:

- лизинг олувчиларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш юзасидан берилган буюртмаларини умумлаштириш;

- жамғарманинг қафолат хатлари билан тасдиқланган молиявий манбаларасосида замонавий қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки уларнинг расмий дистрибьюторлари томонидан етказиб бериш юзасидан буюртмаларни жойлаштириш;

- жойлаштирилган буюртмаларга мувофиқ ишлаб чиқариладиган ва етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникаси учун ўз вақтида аванслар тўлаш ва узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш;

- лизинг шартномалари тузиш, янги техникани, белгиланган тартибда талаб қилиб олинган илгари лизинг олувчиларга лизингга берилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга бериш;

- лизинг шартномалари бўйича тўловларнинг ўз вақтида ундирилишини ва уларнинг тегишли қисми Жамғармага ўтказилишини таъминлаш;

- лизинг туловлари тўғри ҳисоблаб ёзилишини ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ улар юзасидан ҳисоб-китоблар ва ҳисобот юритилишини таъминлаш.

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси ўз маблағлари ва жалб этилган (қарз. кредит) маблағлар ҳисобидан машина-

трактор паркларига, кишлоқ хўжалик корхоналарига, деҳқон ва фермер хўжаликларига уларнинг топшириқномалари бўйича сотиб олинadиган кишлоқ; хўжалиги машиналарини ва бошқа механизация воситаларини лизингга етказиб бериб келмоқда. Бунда етказиб бериладиган техника қийматининг 25%-40% гача кишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан олдиндан аванс тўловлари тўланади, қолган 75%-60 % гача қисми компания томонидан молиялаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарори асосида етакчи хорижий компаниялар иштирокида ишлаб чиқарилган тракторлар ва ўрим йиғим техникаси фермер хўжаликларига, машина-трактор паркларига ҳамда “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компаниясининг қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий акциядорлик бирлашмаларига қуйидаги шартлар асосида лизингга етказиб берилади:

- замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 20 фоизи аванс сифатида лизинг олувчилар томонидан ўз маблағлари ҳисобига тўланади;

- замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси қийматининг 80 фоизи “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” лизинг компанияси томонидан ‘унга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси қарз асосида берадиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади ва имтиёзли (Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган) фоиз ставкаларида, 7 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга етказиб берилади.

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси йиллик фаолият натижаларини ўрганар эканмиз, компания йилдан йилга ривожланиб, барқарор суратда ўсаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Қуйида, компаниянинг охириги уч йиллик баланс ҳисоботидаги мажбуриятлар ва активларнинг ўзгариш динамикаси ва келгуси йил учун прогнози берилган.




2.13-расм. “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясининг актив ва мажбуриятлари⁴⁸

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси 2013 йил якунларига кўра жами узоқ муддатли активлар 472,1 млрд.сўмга, узоқ муддатли қарзлар 442.1 млрд.сўмга тенг бўлган бўлса, 2015 йил якунларига кўра жами узоқ муддатли активлар 613,7 млрд.сўмга, узоқ муддатли қарзлар 686.5 млрд.сўмга, яъни мос равишда 138 фоизга мажбуриятлар ҳамда 145 фоизга активлар ошган. Компания жорий активлар 2015 йилга келиб, 159.3 млрд.сўмга тенг бўлган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 108.73 фоизга ўсган.

Ҳисобот даврининг 2013-2015 йиллар мобайнида “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси фермер хўжаликларига етказиб бераётган трактор, комбайн ва бошқа турдаги техникалар миқдор ва сифат жиҳатдан ижобий ўзгарган.

⁴⁸“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси 2015 йилги баланс ҳисоботи асосида муаллиф томонидан таёрланган.



2.14-расм. 2010-2016 йилларда “Ўзкишлоххўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси томонидан лизингга етказиб берилган жами техникалар миқдорининг ўсиш динамикаси⁴⁹

Ҳозирги кунда лизинг компаниялари албатта, лизинг портфелини барқарор оширишга интилиб, лизингга берилаётган техникалар миқдорини ошириб келмоқдалар. Ўтган 2015 йилги ҳисоботларига кўра, “Ўзкишлоххўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси томонидан лизингга етказиб берилган жами янги техникалар миқдори 3908 донани ташкил этган бўлиб, жами техникалар лизинг портфели 56062 донани ташкил этган.

Компания томонидан 2016 йилда суммаси 295,1 млрд.сумлик 3290 дона, 2017 йилда 309,8 млрд.сумлик 3370 дона, 2018 йилда 325,3 млрд. сумлик 3510 дона, 2019 йилда 341,6 млрд. сумлик 3670 дона ва 2020 йилда 358,7 млрд.сўмлик 3790 дона техникаларни лизингга етказиб бериш

⁴⁹“Ўзкишлоххўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси 2015 йил учун йиллик ҳисоботи асосида муаллиф томонидан таёрланган.

режалаштирилган. Ушуб кўрсаткичларга еришда, албатта корхонаинг стратегияси ва олиб бораётган ислохотлари муҳим аҳамият касб этади.



2.15-расм. “Ўзкишлокхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компания молиявий натижалари⁵⁰

2001 йилда “Ўзкишлокхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компания томонидан 3314 нафар лизинг олувчи билан шартномавий муносабатлар ўрнатилган бўлса, 2015 йил якунига келиб, компания фаолияти билан қамраб олинган лизинг олувчилар сони 39013 нафарга етди ва бу 2001 йилга нисбатан 18,5 баробарга кўпдир.

Бошқарув тизими самарадорлигини тавсифлаш учун умумлаштирувчи кўрсаткич ва бир гуруҳ хусусий кўрсаткичлар қўлланилади. Умумлаштирувчи кўрсаткич қуйидагича ҳисобланади:

⁵⁰ “Ўзкишлокхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компанияси 2015 йилги баланс ҳисоботи асосида муаллиф томонидан таёрланган.

$$\text{БТС} = \text{БХ} * 100 / \text{АФ} * \text{К}_1 + \text{ОФ} * \text{К}_2 (2.1),$$

Бу ерда:

БТС - бошқарув тизими самарадорлиги;

БХ - йиллик бошқарув ҳаражатлари;

АФ - асосий ишлаб чиқариш фондлари (актив);

ОФ - айланма фондлар;

К_1 ва К_2 - ишлаб чиқаришни кооперативлаштириш ва концентрациялаш (тўплаш) даражалари.

Бу ерда:

К_1 - кооперативлаштириш коэффиценти;

dmk - мазкур корхона маҳсулоти қийматидаги кооперативлашган ярим фабрикатлар салмоги;

dtk - таққосланаётган (таққсолаш базаси бўлиб қабул қилинган) корхонанинг умумий таннархидаги кооперативлашган маҳсулот салмоги.

Бу ерда:

К_2 - концентрациялаш даражаси;

АФмк - мазкур корхонанинг асосий фондлари қиймати;

АФтк - таққсолаш базаси қилиб шартли қабул қилинган корхонанинг асосий фондлари қиймати.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бошқарилаётган объект, яъни корхона ишлаб чиқариш самарадорлиги корхона соф маҳсулотига асосланиб хисобланган меҳнат унумдорлиги даражаси билан ифодаланади, яъни:

$$\text{ИЧС} = \text{СМ} / \text{Т} * 100. (2.2),$$

Бу ерда:

ИЧС - ишлаб чиқариш самарадорлиги;

СМ - корхонанинг соф маҳсулоти;

Т - корхонада банд бўлган ходимларнинг ўртача сони.

Бошқариш тизими самарадорлиги кўрсаткичи (Кбтс) қуйидаги боғланишда ўз аксини топади:

Шундай қилиб, Кбтс қанча кичик бўлса, бошқариш тизими самарадорлиги шунча юқори бўлади, чунки, бошқариш учун ҳаражат даражаси кам бўлиб, меҳнат унумдорлиги юқори бўлса, ишлаб чиқариш шунча тежамли ва мақсадга мувофиқ бошқарилган бўлади.

Бошқаришни такомиллаштириш тадбирлари бошқарув аппаратини қисқартириш, унинг ташкилий таркибини ихчамлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кўрпайтириш имкониятини беради. Бу натижаларга эришилганлик даражаси қуйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топади:

- йиллик иқтисодий самара;
- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- қўшимча сарфланган капитал қўйилманинг қопланиш муддати.

Бошқарув аппаратининг қисқариши оқибатида иш ҳақи фонди тежалади. Бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархининг пасайишига олиб келади:

$$T_{ix} = T_{bq} * I_{Xb} * (1 + C_{aj} / 100) \quad (2.3),$$

Бу ерда: T_{ix} - тежалган иш ҳақи;

T_{bq} - қисқартириладиган бошқарув аппарати ходимлари сони;

I_{Xb} - бошқарув аппаратида банд бўлган ходимларнинг ўртача иш ҳақи;

C_{aj} - ижтимоий суғуртага ажратмалар, фоиз;

Жорий қилинган тадбирлар натижасида ишлаб чиқарилган жами маҳсулот таннархи қуйидагича ҳисобланади:

$$T_2 = T_1 * I_{Tix} \quad (2.4),$$

Бу ерда: T_1 ва T_2 - тадбир жорий қилингунгача (T_1) ва жорий қилингандан сўнг (T_2) жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи.

Бу ерда: T1 ва T2 - тадбир жорий қилингунгача (T1) ва жорий қилингандан сўнг (T2) жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннари.

Юқоридаг кўрсаткичлар асосида “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясини таҳлил қилишда фойдаланиб, шуни таъкидлаш жоизки, компания ўз фаолиятини самарали бошқармоқда.

2.3. Ривожланган мамлакатларда лизинг хизматлари амалиётини таҳлил қилиш


Ривожланган мамлакатлар бозорида лизинг молиявий дастак сифатида ўзининг бошқа турдаги кредит ва инвестициялардан қулайлиги ва самарадорлиги билан бирмунча ажралиб туради. Шундай қулайликка эга бўлган лизинг турларидан бири бу “дабл дин” бўлиб унинг афзаллиги икки ва ундан ортиқ давлатларнинг солиқ имтиёзларидан яхлит фойдалана олиш имконияти билан изоҳланади. Масалан, 80-йилларда халқаро лизинг амалиётида қатор самолётлар айнан “дабл дин” асосида лизингга берилган. Бу жараён АҚШ ва Буюк Британия ўртасида амалга оширилган.

Агарда лизинг берувчи мулк ҳуқуқида бўлган ҳолатда Буюк Британия солиқ тизимига кўра бирмунча қулайликлари мавжуд бўлган, АҚШ солиқ тизимига кўра лизинг берувчи бундай ҳолатда зарар кўрган, уларда лизинг берувчи кўп жиҳатдан мулкни бошқариш ҳуқуқида бўлиши иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланган.

Шундай қилиб лизинг компанияси Буюк Британиядан самолётларни сотиб олишган ва уларни АҚШ лизинг компанияларига лизинг ва ижарага беришган, улар ўз навбатида маҳаллий ҳаво йўлларига бу самолётларни лизингга беришган. Кузатув таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, бугинги кунда бу турдаги лизингдан Франция ва Германия, АҚШ ва Франция, Япония ва АҚШ каби давлатлар ва бошқа кўплаб мамлакатлар фойдаланишлари мумкин.

Лизинг бозорини минтақалар бўйича ривожланишида сўнги уч йилда Шимолий Америкада фаолият кўрсатаётган лизинг компаниялари


ривожланиб, дунё бозорида пешқадамлик қилмоқдалар. Қуйида минтакалар бўйича лизинг бозорининг улуши ва ривожланиш тенденциялари берилган.



2.16-расм. Минтакалар бўйича лизинг хизматлари динамикаси, млрд. АҚШ доллар⁵¹

Европада 2015 йилда кўчмас мулк лизинги 163 млрд. евро миқдоридаги ҳажмда бўлиб (бу 2014 йилга нисбатан 18 фоиз кўпроқ), шу даврдаги ускуналар лизинги ҳажми ўзгармаган ҳолда 130 млрд. еврони ташкил этди (2014 йилга нисбатан 0,45 фоизга ўсган) . Европадаги жами асосий воситалар инвестициялари ҳажмида лизинг 12,5 фоизни ташкил қилади. Бироқ бу кўрсаткич мамлакатлар бўйича турлича бўлиб, Голландияда 6,3 фоизни ташкил этса, Италияда 6,7 фоизга тенг. Европада компьютер ва офис ускуналари лизинг операциялари ўртача 12,5 фоизга тенг ва 4 фоизи йирик ҳамда қимматли мулклар ҳамда қимматли самолётлар, кемалар ва шу кабилар улушига тўғри келади.

⁵¹ London Financial Group, White Clarke Group Global Leasing Report 2016 асосида муаллиф томонидан тузилган



2.17-расм. Минтақалар бўйича лизинг хизматлари, фоизда⁵²

Кейинги йилларда ишлаб чиқарувчи ва лизинг компаниялари ўртасида битимлар тузиш кенг қўламли тус олиб улгирмоқда. Бундай келишувларга таянган ҳолда ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини сотиш билан бирга лизингга тақдим этмоқда. Бу ўз навбатида унинг савдо доирасини янада кенгайтишига сабаб бўлаётган бўлса, лизинг ташкилоти бу ҳолатда ишлаб чиқарувчининг савдо тармоқлари орқали лизингни йўлга қўйган бўлиб бу турдаги лизинг йўналиши “савдога кўмак” (sales-aid) номини олган.

Европада компьютер ва офис ускуналари лизинг операциялари ўртача 12,5 фоизга тенг ва 4 фоизи йирик ҳамда қимматли мулклар ҳамда қимматли самолётлар, кемалар ва шу кабилар улушига тўғри келади. Лизинг олувчилар фаолият турлари бўйича лизинг бозори таҳлили шуни кўрсатадики, лизингдан ҳамма турдаги корхоналар фойдаланади. Ишлаб чиқариш соҳаси

⁵²London Financial Group, White Clarke Group Global Leasing Report 2016 асосида муаллиф томонидан тузилган

вакиллари билан биргаликда қурилиш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари вакиллари ҳам лизинг олувчилар сирасига киради. 2015 йилда хизмат кўрсатувчи соҳалар сирасига жами ускуналар лизингининг 50 фоизи тўғри келган.

2.2-жадвал.


Дунё мамлакатларининг лизинг битимларида технологик жихозларнинг улуши, фоизда⁵³

	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
АҚШ	26.9	27.7	26	16.4	17.1	17.1	21	22	22	22
Япония	9.3	9.3	7.8	7.2	7	6.3	6.8	7.2	9.8	8.9
Германия	18.6	23.6	15.5	16.2	13.9	14.3	14.7	5.8	16.6	16.4
Корея Республикаси	7.7	9.4	-	10.5	4.4	4.8	8.7	8.5	8.1	9.8
Буюк Британия	14.5	12.7	11.6	20.6	17.6	18.5	19.8	23.8	31	28.6
Франция	11.7	11	12	12.2	3.1	10.5	11.1	12.8	12.5	13.1
Италия	15.1	15.2	11.4	16.9	10	13.1	12.3	10	9.4	11.7
Бразилия	13.5	16.9	19	23.8	-	-	-	-	-	-
Канада	23.9	22	22	19.6	14	15.1	20.8	20.8	32	31
Австралия	20	18	14.2	10	10	12	27.5	27.5	40	40
Швеция	11.8	11.8	14.3	19.4	17.5	19.2	18.2	24.6	24.4	22.7

Лизинг олувчилар фаолият турлари бўйича лизинг бозори таҳлили шуни кўрсатадики, лизингдан ҳамма турдаги корхоналар фойдаланади. Ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари билан биргаликда қурилиш ва хизматлар кўрсатиш соҳалари вакиллари ҳам лизинг олувчилар сирасига киради. 2015 йилда хизмат кўрсатувчи соҳалар сирасига жами ускуналар лизингининг 50 фоизи тўғри келган. Дунё мамлакатларининг лизинг битимларида технологик жихозларнинг улуши бўйича халқаро рейтинг ва таҳлил марказларининг берган маълумотларида сўнгги 10 йил ичида, яъни 2005-2014 йиллар мобайнида Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари етакчи ўринларни

⁵³(1) Australian Equipment Lessors Association (total leasing as a percentage of private capital investment).
(2) US Dept. of Commerce. Economics & Statistics Administration. Bureau of Economic Analysis and Equipment Leasing Association of America (equipment leasing as a percentage of business investment in equipment).
(3) Japan Economic Planning Agency and Japan Leasing Association
(4) Leaseurope Annual Reports.
(5) Statistics Canada and Equipment Lessors Association of Canada
(6) Korea Leasing Association.
(7) Brazilian Association of Leasing Companies.
(8) London Financial Group.
(9) White Clarke Group Global Leasing Report.

егаллаб келган. 2014 йил якунлари бўйича ушбу давлатлар лизинг битимларида технологи жихозларга тузилган битимлар улуши мос равишда 22 ва 28.6 фоизларни ташкил этган.




2.18-расм. Лизинг битимларида технологик жихозларнинг улуши юқори бўлган давлатлар, фоизда⁵⁴

Дунё мамлакатлари ичида 2013-2014 йиллар лизинг битимларида технологик жихозларнинг улуши юқори бўлган Австралия ҳисобланади. Унинг ушбу кўрсаткич бўйича ўсиш динамикасини кузатадиган бўлсак, 2010 йилда 12 фоизни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб 40 фоизни ташкил этган. Бунга асосий сабаб, мамлакатда технологик жихозларга бўлган талаб ошган. Канада иқтисодиётида ҳам, технологик жихозларга бўлган талабнинг кўпайиши ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш дастурларининг жорий этилиш эвазига, технологик жихозларга тузилган лизинг битимлари салмоғи ортган бўлиб, 2013 йилда энг юқори улушга, 32 фоизга эга бўлган. Германия

⁵⁴White Clarke Group Global “Leasing Report -2016” ҳисобот асосида муаллиф томонидан таёрланган .

давлатида 2012 йил якунлари бўйича технологи жихозларга бўлган битим сўнги ўн йилликда энг қуйи кўрсаткич, 5.8 фоизни ташкил этган. Бу ўз навбатида, Германия лизинг бозорида технологик жихизларга бўлган талабнинг 2012 йилда пасайганлига ва бошқа соҳларнинг улуши кўпайганлигидан далолат беради.



2.19-расм. Дунё мамлакатлари ичида ялпи ички маҳсулотда лизинг улуши юқори бўлган давлатлар, фоизда⁵⁵

Лизинг хизматларида ривожланиши, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кўрсаткичи билан чамбарчас бўғлиқ ғисобланади. Дунё молия ва лизинг бозорини ўрганувчи халқаро ташилот “White Clarke Group Global” компаниясининг йиллик ҳисоботлари асосида шуни таъкидлаш мумкинки, сўнги беш йилликда, 2010-2015 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулотда лизинг улуши юқори бўлган давлат Эстония ҳисобланиб, 2013-2014 йилларда мос равишда ялпи ички маҳсулотда лизинг улуши 5,91 ва 4,81 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич бўйича халқаро рейтингдаги навбатдаги

⁵⁵White Clarke Group Global “Leasing Report -2016” ҳисобот асосида муаллиф томонидан таёрланган .

давлат Швеция ҳисобланиб, 2011 йилда 1.75% ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 3.30 %га яни икки баробарга ошган.

II боб бўйича хулоса

Ривожланган давлатларда лизинг куп пул маблағларини жалб этмасдан ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминлаш ва уни янгилашга имкон берувчи ишлаб чиқариш секторини техник қайта қуроллаштиришнинг самарали воситаси эканлиги намоён бўлмоқда. Ушбу воситани қуллаш ва ривожлантириш учун тараккий этган давлатларда қаида икки қуринишдаги мухим солиқ енгилликлари мавжуд бўлган ва иктисодиётнинг лизинг секторини ривожлантиришга йуналтирилган мақсадли тадбирдан фаол фойдаланмоқдалар.

Лизинг хизматининг афзаллиги жахон молиявий хизматлари бозорида ҳам уз исботини топган.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, лизингни жорий этиш ва унинг хужалик юритувчи субъектлар фаолиятида кенг қулланилиши давлатнинг ишончли усишида гаров бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистоннинг лизинг тўғрисидаги қонунларига киритилган янги ўзгартиришлар бозор инфратузилмаси қулай инвестиция иқлимини вужудга келтирибгина қолмай, ХМК ва бошқа инвесторларнинг КУБга кенг микёсда инвестиция қуйишларига ҳам замин яратди.

Энг мухими, ана шу ишларнинг самараси туфайли мамлакатимизда ташкил этилган лизинг компанияси фаолиятларида ўзгаришлар қузатилди. Айни пайтда, мазкур компаниялар билан биргаликда мамлакатимизнинг бир қатор етакчи тижорат банкларида лизинг амалиётлари йулга қуйилди. Бу эса уз навбатида, юртимизда янги бозор инфратузилмасининг ривож топиши ва соғлом рақобат вужудга қелиши учун қулай мухит яратди. Мухими, эндиликда миқозлар лизингга янги технологиядан тортиб, қомпьютер ва қишлоқ хужалиги техникаларигача харид қилиш имқонига эга бўлишди.

III БОБ. ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ- ДА МОЛИЯЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1 Ўзбекистонда лизинг хизматларини самарадорлигини оширишда инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш


Ўзбекистонда лизинг хизматларини самарадорлигини оширишда инвестицияларни жалб этиш муҳим аҳамият касб этиб, йилдан йилга инвестициялар ҳажми ўзгармоқда. Мустақиллика эришганимиздан сўнг, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кўплаб корхоналар молиявий ресурсларни ва янги технологияларни жорий этишда қийинчиликларга учради. Олимларимиз томонидан таъкидланганидек, “бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхоналар фаолияти мулк шаклидан қатъий назар, мураккаб иқтисодий жараёнлар кўринишида амалга оширилади. Корхона фаолиятида бир томондан молиявий ресурсларнинг тақчиллиги кўзга ташланса, иккинчи томондан, хўжалик субъектларининг кескин рақобат шароитида фаолият кўрсатишларига, учинчи томондан эса четдан инвестиция жалб қилиш мақсадида корхоналар инвестиция жозибадорлигини оширишга тўғри келади”⁵⁶, молиявий хизматлардан самарали фойдаланиш миллий иқтисодиётни ривожлантирувчи омиллардан бири сифатида кўришимиз мумкин. Шу ўринда, “Мамлакатимизни ривожлантириш, янгилаш ва модернизация қилиш бўйича танлаган стратегиямизни ва инқирозга қарши қабул қилган дастуримизни амалга ошириш натижасида юртимиз дунёдаги санокли давлатлар қаторида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатларини таъминлаш, аҳолимизнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга эришгани барчамизга катта мамнуният ва ифтихор бағишлайди, албатта”⁵⁷, юртбошимиз таъкидлаганларидек,

⁵⁶ Н.М.Расулов. Корпоратив бошқарув – инвестициялар самарадорлиги кафолати. –Т.: ТДИУ нашриёти, 2011 йил, - 86 б.

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган “Асосий вазифамиз – ватанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 16.01.2010

иқтисодий ислохатларни барча соҳаларда олиб бориш доимий ривожланишга асос яратди.

Ўзбекистонда лизинг бозорини янада тараккий этиши бир катор омилларга боғлиқ, улар орасида қулай қонунчилик муҳитини ва лизинг компанияларига фойдали инвестициялар киритиш имкониятини алоҳида қайд этиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг инвестицияларга оид қуйидаги фикрларини келтириш кифоя қилади, деб ҳисоблаймиз: «Барчамиз бир оддий ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор - инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди» . Иқтисодиётни модернизациялаш эса, ўз навбатида, катта ҳажмдаги инвестицияларни ва лойиҳаларни молиялаштиришнинг самарали усулларини қўллашни тақозо қилади. Лизинг хизматлари бозорини молиялаштиришда, аввало инвестицион лойиҳаларни ўрганиб чиқиб, керакли тармоқларга инвестиция сифатида лизинг молиявий дастагини қўллаш муҳим ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда инвестицион лойиҳаларнинг асосий элементлари ва йўналишлари келтирилган.



3.1-расм. Инвестицион лойиҳанинг асосий элементлари ва йўналишлари⁵⁸

⁵⁸Муаллифлар томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва инвестициялар ўсиш суръатларининг ўзгариши⁵⁹

Йиллар	ЯИМ (млрд. АҚШ доллари.)	Инвестициялар (млрд. АҚШ доллари.)	Хорижий Инвестициялар (млрд. АҚШ доллари.)	Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, фоиз хисобида
2005	15,2	2,9	0,19	19,1
2006	17,0	3,3	0,17	19,4
2007	22,3	4,7	0,7	21,1
2008	28,1	6,5	0,7	23,1
2009	32,1	8,2	0,8	25,5
2010	38,7	9,7	1,63	25,1
2011	45,2	10,8	1,63	23,9
2012	51,2	6,5	0,53	23,1
2013	56,7	8,2	0,7	25,5
2014	62,6	9,7	0,8	25,1
2015	-	10,8	-	23,9

Мустақилликнинг илк йилларида собиқ иттифок давлатлари билан иқтисодий алоқаларнинг ёмонлашгани, инфляциянинг юқори даражада бўлганлиги ҳамда давлат иқтисодиётида кес-кин вазият вужудга келганлиги туфайли 1995 йилда инвестициялар ҳажми 1991 йилдаги даражанинг 50 фоизидан ҳам тушиб кетди. Солиқ-бюджет ва монетар сиёсат соҳасида ислохотлар муваффақиятли амалга оширилганлиги, иқтисодиётда таназзул тўхтатилганлиги ва 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш бошланганлиги, зарурий қонунчилик базаси яратилганлиги инвестициялар ҳажмининг ошишига ва таркибининг ижобий ўзгаришига ёрдам берди. Агар 1991 йилда мамлакатнинг инвестициялар портфели уч манбадан (бюджет, корхоналар ва аҳоли маблағларидан) шакллантирилган бўлса, 1995 йилда капитал

⁵⁹Жаҳон Банк маълумотларига асосан муаллиф томонидан таёрланган 2005-2014 йиллар.

маблаглар тузилмасида хорижий инвестициялар ва тижорат банкларининг кредитлари пайдо бўлди. 1995 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб капитал маблаглар ҳажми сезиларли ошиб боргани кўзга ташланди. 1996 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури қабул қилиниб, иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгиланмоқда. Натижада 2014 йил якунида иқтисодиётга киритилган капитал маблаглар ҳажми 1991 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 3,6 баробар ўсди ва бу ЯИМ ҳажмининг 1991 йилдаги даражасига нисбатан 2,6 баробар ўсишига замин яратди.

3.2-жадвал

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг таркиби⁶⁰, фоиз ҳисобида

Кўрсаткичлар	2000 й.	2006 й.	2007й.	2008 й.	2009й.	2010й.
Жами	100	100	100	100	100	100
Давлат бюджети маблаглари	29,2	10,7	9,0	9,0	8,1	7,8
Корхона ва аҳоли маблаглари	39,1	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3
Хорижий инвестиция ва кредитлар	23,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8
Тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблаглари	7,2	3,4	3,1	5,0	5,2	9,1
Бюджетдан ташқари жамғармалар маблаглари	1,3	6,9	6,1	6,3	7,4	7,0

Ушбу жараён ижобий ҳолат бўлиб, мамлакатда ЯИМ барқарор суръатларда ривожланиши учун шарт-шароит яратмоқда.

Инвестиция ва инвестиция лойиҳаларининг аҳамиятидан келиб чиқиб, уларни молиялаштириш учун манбалар қидириб топиш, жалб қилиш ҳамда

⁶⁰Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

молиялаштиришни муайян шаклда тўғри ташкил этиш лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади

3.3-жадвал

Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий кўрсаткичлари динамикаси⁶¹

Кўрсаткичлар	2010	2011	2012	2013	2014
Амалдаги баҳоларда, жами, млрд. сўм	3165,2	4041,0	5479,7	8587,1	12531,9
Жорий йилга нисбатан % ҳисобида	107,0	109,1	122,9	128,3	147,7
ЯИМда инвестиция миқдори, %	20,8	19,5	19,4	22,7	26,1
Марказлашган инвестициялар жорий баҳоларда, млрд. сўм	755,8	915,8	1099,7	1717,0	2517,9
Капитал қўйилмаларда марказлашган инвестициялар, %	23,9	23,1	20,1	20,2	21,0
Марказлашмаган инвестициялар жорий баҳоларда, млрд. сўм	2409,4	3109,0	4380,0	6766,7	10014,1
Капитал қўйилмаларда марказлашмаган инвестициялар, %	76,1	76,9	79,9	80,0	79,9

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ЯИМда инвестиция миқдори йилдан йилга ижобий ўзгариб бормоқда. Уладраги Марказлашмаган инвестициялар жорий баҳоларда 2014 йил якунларига кўра 10 0014,1 млн. сўмга тенг бўлган ҳисобланади.

Чет ел инвестициялари хусусан халқаро лизинг фаолиятини рағбатлантиришнинг ҳозирги босқичида асосий капитални лизинг асосида сотиб олиш ва янгилаш йўли билан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш зарур.

⁶¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

Шу мақсадда халқаро лизингни ривожлантириш, алоҳида лизинг тармоғини шакллантириш учун қулай шароит яратиш лозим.

Халқаро ва миллий лизинг компаниялари ва Ўзбекистоннинг барча минтакаларида уларнинг филиалларини тузиш, уларни солиқ ва йиғимлардан озод қилиш, уларнинг мустахкамланишига имкон бериш, шу йўл билан лизинг операцияларини кенгайтириш керак. Қишлоқ жойларда бу ишнинг йўлга қўйилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга, янги иш жойларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Лизинг компанияларини таъсис этиш, уларни тузиш ва фаолиятини ташкил этиш бозор муносабатларига ўтиш босқичининг энг зарур вазифаларидан биридир. Юртимизда лизинг фаолиятини ривожлантириш учун унга бир маротабалик ва имтиёзли солиқ солинишига эришиш энг муҳим вазифадир. Лизинг операциялари нуқтаи назаридан солиққа тортиш базасига аниқликлар киритиш лизингни кенг оммалаштириш арафасидаги бош муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда лизинг операцияларини бемалол ривожлантириш мақсадида бу ишни амалга оширишнинг рағбатлантирувчи меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш устида иш олиб борилмоқда. Ўзбекистонда лизингни ривожлантиришни қўллаб - қувватлаш фондини тузиш мақсадга мувофиқ. Хар бир иқтисодий фаолият сингари лизинг фаолиятининг мақсадлилиги ҳамда зарурлиги охиरोқибатда уни амалга оширишнинг самарадорлиги каби жуда муҳим категория билан белгиланади. Шу билан бирга, иқтисодиётимизга киритилаётган чет эл инвестицияларини халқаро лизинг операциялари орқали амалга оширганда, ушбу жараённинг мақсадлилиги ва самарадорлигини оқилона баҳолаш лизинг бизнесининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу нуқтаи назардан, инвестициялашни баҳолаш асосларининг ўзи ҳам ғавқулодда жуда муҳимдир. Бунинг учун эса аввало самарали халқаро лизинг механизмини танлаш, мавжуд бўлиши мумкин бўлган барча муқобил вариантларни аниқ белгилаб олишдан бошланишини унутмаслик керак. Жаҳон тажрибасидан шу нарсая маълум бўлдики, капитал қўйилмаларнинг йўналишлари ва муқобил

узулларининг йўклиги, мавжуд бўлган ягона вариантни танлашга мажбур қилиб қўяди. Натижада унинг самарадорлиги коида бўйича ё етарли бўлмайди, ёки жуда ҳам шубҳали бўлади. Ушбу билдирилган фикр ҳар қандай лизинг фаолиятига ҳам тегишлидир, чунки унда ҳам маълум даражада кўп вариантлилиқ мавжуд (ёки бўлиши керак)дир. Биз буни лизингга олувчи танланиши керак бўлган қуйидагича вариантларда ифодалашимиз мумкин: - ўзини техник қуроолантириш варианты; - қайта қурооллаштириш жараёнини амалга ошириш учун уни молиялаштириш варианты молиялаштириш манбаларини танлаш варианты; - лизинг мулки учун ҳисоб-китоблар (тўловлар)ни амалга ошириш варианты; - лизингга берувчида инвестициялаш объектини, мол етказиб берувчи ва лизинг олувчини, қарз мажбуриятини ҳамда лизинг тўловларини амалга ошириш муддатларини танлаш каби вариантлар бўлади. Лизинг муносабатларини амалга оширганда вариантларни баҳолашни қўллаш учун юқорида келтирилган аспектлар шуни кўрсатаётгани узок муддатли лойиҳаларни (лизинг лойиҳалари айнан ана шулар сарасига қиради) баҳолаш жуда ҳам қийин бўлади, ёки узок муддатга мўлжалланган истиқболни башоратлаш бир мунча қийин, башоратларни амалга ошириш эҳтимоли эса кам бўлади. Зеро вақт давомийлиги қанчалик узок бўлса, иқтисодий башоратнинг эҳтимоллик даражаси шунчалик кичик бўлади. Нобель мукофотининг лауреанти. Ғарбдаги иқтисодий ўсиш назарияси асосчиси классик олим Й. Шумпетер “узок муддатли капитал қўйилмалар санъатини югурувчан мақсадга ўқ ўзиш санъати”га таққослаши бежиз эмас. “Фаолиятнинг самарадорлиги” тушунчаси гарчи турлича баён қилинсада, у бир хил бўлган вазифа, яъни берилган фаолият тури (ёки қандайдир лойиҳа)га қилинган харажат ҳамда уни амалга ошириш натижасида эришилган натижа (самара, фойда)ни ўзаро таққослаш вазифасини бажаради. Бунда одатда исталган капитал лойиҳанинг натижаси ва унга қилинган харажатлар бир талай бўлиб, уларни ҳисоблаш ҳар доим осон бўлмайди. Оқибатда халқаро лизинг лойиҳасининг самарадорлигини аниқлаш унинг барча босқичларида узок давом этувчи мураккаб жараёнга

айланади. Ана шундай мураккаб таҳлил жараёни бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда инвестицион лойиҳалар (шу жумладан барча турдаги лизинг лойиҳалари)ни баҳолашнинг асосий концепцияси сифатида эътироф этила бошланди. Албатта, бундай ўта муҳим баҳолаш жараёни асосланган ва изчил бўлган услубият орқали амалга оширилиши керак.

3.2. Лизинг хизматларини самарали бошқариш орқали иқтисодий тармоқларни ривожлантириш йўллари

Ҳозирда илмий-техника тараққиётини амалиётга жорий этиш шароитида, меҳнат унумдорлигини ошириб бориш муҳим муаммолардан бирига айланиб, қишлоқ хўжалигида замонавий техникаларга, маҳсулотни қайта ишлаш технологияларига ҳамда бошқа ресурс тежовчи технологияларга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади. Лекин, ушбу асосий ишлаб чиқариш воситаларининг йил давомида қисқа вақт ишлаши, нархи юқорилиги сабабли, қишлоқ хўжалиги корхоналарига молиявий муаммолар туғдиради. Аммо, агрохизматлар бозорини ривожланишига хизмат қилувчи лизинг муносабатларини жорий этиш орқали, асосий ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиш учун зарур бўлган молиявий маблағларнинг бир қисмига, хўжаликлар ўзи учун зарур бўлган асосий ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш имконияти яратилади. Яъни, хўжалик юритувчи субъектга пул ресурслари эмас, балки асосий ишлаб чиқариш воситалари берилади.

Лизинг хизматларини самарали бошқариш энг аввало назорат билан чамбарчас бўғлиқ. Дунё мамлакатларидаги лизинг компанияларида бошқарув назорат тизимлари таҳлил этилганда, уларнинг аксарияти бир-бирига ўхшамайдиган эканлигини кўриш мумкин. Аммо ривожланган мамлакатларнинг лизинг компанияларининг бошқарув назорат тизимларини ўрганиш ўзига хосаҳамиятга эга. Сабаби улардаги иқтисодий (молиявий) ривожланишга молиявий назорат тизимининг тўғри ташкил этилганлиги, молия механизмининг амалқилишининг самарали эканлиги ҳам айтиш

мумкинки ўз таъсирини кўрсатган.Шундай экан,ривожланаётган мамлакатлар учун тараккий этган мамлакатлардаги бошқарув назорат тизимини пухта ўрганиш ва уларнинг илғор тажрибасини ўзлаштиришзарурий эҳтиёж саналади.

Назорат қилишдан асосий мақсад хатоларга ёки ёлғонларга йўл қўймаслик. Ходимлар хулқига ижобий таъсир этиш учун назорат жараёнидан фбйдаланиш керак.

Самарали назоратни таъминлаш учун бир неча назоратнинг устувор йўналишлиги, натижага мўлжал қилиш, ишга мос келиши, ўз вақтида назорат қилиш, назоратни эгулувчанлиги, назоратни оддийлиги, фойдалилиги, халқаро даражадаги назоратга мослиги каби омилларга эътибор қаратилади.

Лизинг компанияларида самарали назорат ўтказишнинг омиллари:

- расмий маълумот тизимига зарурат;
- компьютер, интернет ва ахборотли бошқариш тизими;
- ахборотли-бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш;
- ходимлар малакасини замонавий бошқаришга мослиги кабилар.

Ахборотли-бошқариш тизимининг самарадорлигини ошииъиш учун фойдаланувчиларни ўргатиш жараёни, харажатлар мезонини ўрганиш, зарур маълумотларни танлаб олиш, хизмат кўрсатувчи шахс ва ускуналарни ажратиш, тизимлар ва бошланғич маълумотларни замонавийлаштирилиши мақсадга мувофик.

Назорат қилиш жараёнларини уч босқичда ўтказиш мақсадга мувофик, яъни назорат олди, жорий ва якуний. Уларни ўтказиш тартиби ҳам уч босқичдан иборат: ишланган стандартлардан ва мезонлар, улар билан муайян натижалар ва ҳаракатларга зарур ўзгартиришлар қабул қилишни солиштириб кўриш. Ҳар бир босқичда маълум тадбирлар амалга оширилади.

Фирмада стандарт ўрнатилса, фирма маҳсулот (хизмат кўрсатиш) ларини стандартларда кўрсатилганлари билан со лиштирилса бўладиган натижалар солиштирилса, ҳаракатларни ёки натижаларни ўлчаш имкони бўЙса назорат қилишнинг жараёнлари тўлиқ бажарилиши мумкин.

Фан - техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ташкилий янгиликларнинг жорий этилиши меҳнат шароитини яхшилаш билан бир қаторда инсоннинг билим даражасига ва руҳий физиологик имкониятларига янги талаблар қўйди. Бу ўз навбатида юқори малакали кадрларга ва ишлаб чиқаришнинг руҳий -физиологик талабларига жавоб берадиган кадрга бўлган танқисликни оширди.

Ишчи кучи сифатига таъсир кўрсатувчи омилларни улар йўналишига қараб, уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Бевосита таъсир омиллари. Уларга бевосита меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳамда инсоннинг меҳнат фаолияти жараёнида қобилиятларини амалга оширишга таъсир кўрсатувчи омиллар киради. Бу омиллар меҳнат жараёни сифати билан боғлиқдир.

Меҳнат жараёни сифати эса, инсоннинг меҳнат қобилиятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилган, юқори ва доимий иш ҳақи кафолатланган иш жойлари мавжудлиги билан белгиланади.

Юксак меҳнат жараёни сифати қуйидагилар ҳисобига таъминланади:

- иш қизиқарли бўлиши керак;
- персонал меҳнатига муносиб адолатли ҳақ олиши керак;
- меҳнат шарт-шароитлари қулай бўлиши керак;
- раҳбарият томонидан назорат иложи борица камроқ бўлиши, лекин назорат қилиш зарурати бўлганда, албатта, назорат амалга оширилиши лозим;
- ходимлар ўз ишларига тааллуқли бўлган қарорлар қабул қилинишида иштирок этишлари даркор;
- маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

Меҳнат жараёни сифати меҳнатдан қониқиш ҳосил қилиш ҳиссини кучайтириш, ўз малакасини оширишга интилишда ўз ифодасини топар экан, яъни ишчи кучи сифат кўрсаткичларини яхшилашга кўмаклашар экан,

ушбулардан келиб чиққан ҳолда, меҳнат жараёни сифат жиҳатларига ишчи кучи сифатини оширувчи омиллар, деб қараш мумкин.

Инвестиция-ларнинг молиялаш манбалари бўйича таркибида муҳим сифат ўзгаришлари юз бермоқда. Марказлаштирилган маблағлар улуши 2000 йилда энг юқори нуқтасига кўтарилиб, ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 55,4%ини ташкил этди. Бу Кадр-лар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга давлат бюджетидан йўналтирилган маблағларнинг кўпайтирилганлиги билан боғлиқ бўлди. 2002 йилдан бошлаб марказлаштирилмаган маблағлар улуши, биринчи навбатда, хусусий инвестициялар ва тўғридан-тўғри хорижий инвест-тициялар улуши ошиб борди. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози даврида инвестиция-вий фаолликка салбий таъсирнинг оқибатларини камайтириш учун таназзулга қарши ҳукуматнинг махсус чора-тадбирлари амалга оширилиши натижасида инвестициялар ҳажмининг ўсиши 2008 йилда 34,1%ни, 2009 йилда эса 24,8%ни ташкил этди, бу Ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича (ўртача 10%) ўртача кўрсаткичдан анча юқоридир.

Агар 1991 йилда мамлакатнинг инвестициялар портфелида чет элдан инвестициялаш деярли мавжуд бўлмаган бўлса, 2014 йилда капитал маблағлар умумий таркибида хорижий инвестицияларнинг улуши 20,2%ни ташкил этди. 2014 йилдаги чет эл инвестицияларининг асосий қисми (2,3 млрд. доллар) тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлардир. Тижорат банкларининг инвестиция мақсадларига сарф-ланган маблағлари ҳажми ҳам муттасил ошиб бормоқда. 2014 йил якунига кўра, банklar маблағлари инвестициялар жами ҳажмининг 11,4%ини ташкил қилди.

Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаш-да Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаол иштирок этмоқда. 2014 йилда Жамғарма маблағлари ҳисобидан, шунингдек, бошқа бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан иқтисодиётга киритилган маблағлар жами инвестицияларнинг 11 фоизини ташкил этди.

Саноат тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта куроллантириш. Саноатнинг жадал ўсишини иккита асосий омил белгилайди. Биринчи омил – ишлаб чиқаришни модернизациялашни амалга ошириш. Ҳозирги вақтда саноат тармоқларининг барчасида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта куроллантириш дастурлари амалга оширилмоқда. Иккинчи омил – саноатнинг базавий тармоқларида энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга ўтиш ва шу асосда маҳсулот рақобатбардошлигига эришиш.

Лизинг муносабатлари билан боғлиқ жаҳон амалиёти шундан далолат берадики, лизинг муносабатларининг ривожланганлик даражаси ва инвестиция жараёнларининг жадаллашуви билан бевосита боғлиқ бўлади. Молиявий маблағлар етарли бўлмаганда лизинг муносабатларининг ривожланиши бир бири билан боғлиқ қатор масалаларни ҳал этиш имкониятини беради: хусусан, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш шу жумладан, асосий воситаларни янгилаш ва модернизация қилиш; товарлар, ишлар ва хизматлар бозорини барқарорлигини таъминлаш; ишсизликни қисқартириш ва янги иш ўринларини яратиш; тадбиркорлик фаолиятини қўллаб қувватлаш ва кенгайтириш натижасида бюджет тушумини кўпайтириш ва ҳ.к. Демак, лизинг муносабатлари молиявий маблағларни тўғри ва оқилона тасарруф этишнинг бозор иқтисодиёти учун хос бўлган самарали воситалардан биридир. Лизинг муносабатларини ривожланиши, уни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлигини оширишни тақазо этади.

Сотувчини лизинг олувчи ҳақида хабардор қилишини лизинг олувчи олдида сотувчининг мажбуриятларини вужудга келтирувчи зарурий шарт сифатида қараш лозим. Бунда лизинг олувчи мол мулкни мулк қилиб олишида сотувчини ёзма равишда ушбу мол мулк муайян шахсга лизинг шартномаси асосида вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланишга топширишга мўлжалланганлигини хабардор қилиши лозим. Ушбу

мажбуриятни бажармаслик лизинг олувчига лизинг шартномасини бекор қилиш ва етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини беради. Агар лизинг олувчи ушбу ҳуқукдан фойдаланмаса, ундай ҳолда лизинг шартномасидан келиб чиқувчи ҳуқуқий муносабатнинг мавжудлигини белгиловчи ягона шарт олди сотди шартномаси бўйича сотувчи мажбуриятларини бажармаслик хавфини ва етказилган зарарни қоплашни лизинг муносабатидаги тарафга ўтказиш бўлади.

III боб бўйича хулоса

Лизинг компанияларининг таъсис этиш, уларни тузиш ва фаолиятини ташкил этиш бозор муносабатларига ўтиш босқичининг энг зарур вазифаларидан биридир. Юртимизда лизинг фаолиятини ривожлантириш учун унга бир маротабалик ва имтиёзли солиқ солинишига эришиш энг муҳим вазифадир. Лизинг операциялари нуқтаи назаридан солиққа тортиш базасига аниқликлар киритиш лизингни кенг оммалаштириш арафасидаги бош муаммолардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда лизинг операцияларини бемалол ривожлантириш мақсадида бу ишни амалга оширишнинг рағбатлантирувчи меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш устида иш олиб борилмокда.

Инвестиция ва инвестиция лойиҳаларининг аҳамиятидан келиб чиқиб, уларни молиялаштириш учун манбалар қидириб топиш, жалб қилиш ҳамда молиялаштиришни муайян шаклда тўғри ташкил этиш лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишида муҳим аҳамият касб этади

Лизинг хизматларини самарали бошқариш энг аввало назорат билан чамбарчас бўғлиқ. Дунё мамлакатларидаги лизинг компанияларида бошқарув назорат тизимлари таҳлил этилганда, уларнинг аксарияти бир-бирига ўхшамайдиган эканлигини кўриш мумкин.

ХУЛОСА

Ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида лизинг секторини самарали ривожланишига барча омиллар мавжуд, улар қаторида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун замонавий самарадорлиги юқори бўлган технологияларга бўлган катта талаб мавжудлигини келтириш мумкин. Мамлакатнинг барча соҳаларини фаол тарзда модернизация қилиш, машинасозлик, кимё, тўқимачилик-тикув ва бошқа саноат тармоқларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда, транспорт-коммуникацион лойиҳалар, автотранспорт йўли усти инфратузилмаси қурилиши ва реконструкцияси амалга оширилмоқда. Бу лизинг хизматлари ўсишини рағбатлантирмоқда. Бундан ташқари мавжуд солиқ преференциялари лизинг соҳасни ривожланиши учун қўшимча рағбат ҳисобланади.

Лизинг компаниялари бошқарув аппарати структурасига асосий талаб унинг оперативлигидадир. Лизинг компаниялари фаолият олиб бораётган бошқарув органлари: “Акциядорларнинг умумий йиғилиши”, “Кузатув кенгаши”, “Ижроия органи-Бошқаруви” структуралари бошқарув иқтисодини таъминлаши ва самарали ишлаши лизинг хизматларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Бунинг маъноси шундаки, бошқарув фаолияти натижасида лизинг компаниясига келадиган самара бошқарув органига бўлган харажатларнинг минималлиги орқали эришилади.

Лизинг компаниялари бошқарув органи структурасини шунчалик даражада эгилувчан ва оддий бўлиши керакки бошқарув системасида қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш керак. Оперативлик билан фаолият юргизишнинг ишончлилигига боғлиқдир. Бу дегани бошқарув аппарати ахборот узатишнинг тўғрилигига кафолат бериш узатилаётган маълумотларнинг бузилишига йўл қўймаслиги керак, бошқарув системасида алоқанинг узлуксизлигини таъминлаш керак. Шу ўринда, иқтисодий самарадорликка эришиш учун бошқарув назоратини кучайтириш лозим.

Лизинг соҳасини ривожлантиришдаги асосий омиллардан бири лизинг берувчиларнинг молиялаштириш манбаларидан фойдалана олишидир. Тижорат банклари миллий валютада этарлича молиялаш манбаларига эга бўлса, лизинг компанияларининг банклардан молия ресурсларини жалб қилишига тўғри келади. Бу эса ўз навбатида лизинг талабномалари кўриб чиқишининг тезкорлиги ва хизматлар қийматига таъмир кўрсатади. Шу ўринда, лизинг компаниялари томонидан эркин конвертация қилинувчи валюталарда молиялаштириш ҳажмларини ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий кредитларни жалб қилиш масаласи кўриб чиқиши керак.

Лизинг компаниялари бошқарув органлари структурасига хизмат кўрсатиш характерининг ўзи, унинг соҳалар хусусиятлари, шунингдек бошқарув ишининг механизацияланганлиги ва автоматтлашганлиги даражаси ишчилар малакаси, улар меҳнатининг самарадорлиги бўйсунувчилар сони ва бошқарувчи томонидан уларни назорат қила олиш имкониятлари ўртасидаги боғлиқлик таъсир кўрсатади.

Марказий Осиёда лизингни ривожлантириш лойихаси экспертлари томонидан 2013 йил бошларида Ўзбекистонда лизинг хизматлари бозорини ривожлантириш имкониятлари тадқиқоти амалга оширилган.

Мамлакат ишлаб чиқариш меҳнат ресурсларини асосий қисми қишлоқ хўжалик секторига тўғри келиши муносабати билан энг асосий зарурият қишлоқ хўжалик техникаси ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарига тўғри келиши кузатилади.

Енгил ва озик-овкат саноати ускуналари лизингига булган талаб ҳам юқори даражада. Савдо ускуналари лизинги узлаштирилмаган бўлиб, унинг келажаги жуда ҳам самарали бўлиши шубҳасиздир.

Эътиборни жалб қиладиган масалалардан яна бири шахсий автотранспорт, узок муддатли истеъмол буюмлари лизингини ривожлантириш масалаларидир.

Муҳтарам Президентимиз томонидан кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш топшириғи берилган. Шундан келиб чиқиб,

пахтачилик ва ғаллачиликдан ташқари чорва, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган техника, технология ва ускуналарни лизингини ривожлантиришимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётида тижорат банклари ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган лизинг хизматлари кичик бизнес корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, хусусий тадбиркорликни кенгайтириш ва унинг асосида ихчам ишлаб чиқаришни ташкил этишга маблағ сарфлашнинг самарали механизми экани таъкидлаш мумкин. Лизинг молиявий ижара сифатида сармоядорлар учун ҳам, тадбиркорлар учун ҳам фойдалидир. Чунки лизинг кўп пул маблағларини жалб этмасдан ишлаб чиқаришни кенгайтиришни таъминлаш ва уни янгилашга имкон берувчи ишлаб чиқариш секторини техник қайта қуроллаштиришнинг самарали воситаси эканлиги намоён бўлмоқда.

Лизинг фаолияти Ўзбекистонда солиқ имтиёзларини бериш орқали ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ:

- лизинг тўловлари - қўшилган қиймат солигидан;

- лизингга бериш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология ускуналари - божхона тўловидан ва қўшилган қиймат солигидан;

- шунингдек, лизинг оладиган хўжалик юритувчи субъектлар лизинг шартномаси амал қиладиган муддатга лизингга берилган мулкка солиқ тўлашдан озод қилинган.

Ўзбекистонда лизинг жараёнларининг ривожланиши учун қулай муҳит, яъни такомиллашган қонунчилик базаси ҳамда солиқ имтиёзлари яратилганлиги, мазкур фаолият турини шиддат билан ривожланишига асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, республикада лизинг соҳаси тезкор суръатларда сезиларли ўсиш салоҳиятини намоён этмоқда. Яқин келажакда молия-

инвестиция занжиридаги барча иштирокчилар ўртасидаги тартибланган ва химояланган муносабатларни, иқтисодиёт ва ҳудудий инфратузилманинг асосий тармоқлари модернизация қилинишини таъминловчи лизинг Ўзбекистон Республикасида инновацион иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаб берувчи истикболли воситалардан бирига айланиши мумкин. Диссертация ишидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни келтириш ўринлидир:

- лизинг хизматларини бошқаришда етук мутахасислар, хусусан молиявий менежерларни таёрлаш ва уларни малака ошириш курсларини ташкил этиш;

- лизинг хизматлари самарадорлигини таъминлашда бошқарувдаги харажатлар ва даромадлар тизимини мунтазам эътиборга олиб бориш;

- лизингни молиялаштириш манбааларини етарли даражада молиявий ресурслар билан таъминлашда банклар ролини ошириш;

- лизинг бозори инфратузилмасини ривожланиш даражаси паст бўлган соҳалар бўйича шакллантириш;

- лизинг хизматлари кўрсатаётган компания ва бошқа молиявий ташкилотларда халқаро сифат тизимини жорий этилиш даражасини назорат қилиш;

- лизинг хизматларига доир яхлит ахборот алмашув тизимини шакллантириш;

- лизинг хизматлари ичида халқаро лизинг улуши даражаси кўтариш;

- мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича лизингни ривожлантириш;

- чорвачилик бўйича лизингни ривожлантириш;

- темир йўл коммуникация ва қишлоқ йўл қурилишлари лизингини ривожлантириш;

- тўқимачилик саноати лизингини ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси лизингини ривожлантириш;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституция.- Т.: Ўзбекистон, 2014.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни.-Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Адолат, 2004.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 30.11.2007 й. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2007 й. №52

1.4. “Кексаларни эъзозлаш” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. // Халқ сўзи, 2015 йил 19 феврал

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони// Халқ сўзи, 2005 , 15 июн.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кризисга қарши дастурга киритилган қўшимча инфратузилма объектлари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги № ПЎ-1073-сон қарори. 17.03.2009 й.

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 20 январ, ПҚ-1041-сонли қарори.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби” тўғрисида Ўарори//Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 54 - сон, 1999 декабр. - Т.:Ўзбекистон. Адлия вазирлиги., 2000.-15-20

1.9. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ. 1999 йил 5 феврал. - Т.:Ўзбекистон, 1999.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18 ноябр, ПФ-4053-сонли фармони.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган “Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тadbиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир” номли Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 18.01.2016

1.12. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз-жамиyatни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизатсия ва ислох этишдир”. -Т.: Ўзбекистон, 2005.

1.13. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи, 2006 йил 25 феврал.

1.14. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 феврал.

1.15. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.

1.16. И.А.Каримов. “2008 йилда республикани ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза” “Халқ сўзи”, 2009 й.14 феврал.

1.17. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТнинг “Мингйиллик ривожланиш мақсадлари” Саммитидаги нутқ. “Халқ сўзи”, 2009 й. 21 сентябр.

1.18. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/- Тошкент: «Ўзбекистон»,

2010.

1.19. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш - мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир.—Т.: 19.Т. Ўзбекистон, 2011.

1.20. Ислом Абдуганиевич Каримов “Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир”, Т.: «Ўзбекистон» - 2015.

1.21. Д.Ғ.Ғозибеков, О.Ш.Собиров, А.Г.Мўминов, О.М.Қулжонов. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти.—Т.: Фан ва технология, 2004.- 308б.

1.22. Абдурахмонов Қ.Х., Абдураманов Х.Х. Аҳоли турмуш тарзи ва даромадлари. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ, 2011 – 14 бет

1.23. Назарова Г.Ғ., Салихова Н.М., Мухамеджанова Г.А., Ахмедов И.А. Халқаро менежмент. /проф. А. Ш. Бекмуродов таҳрири остида (дарслик), ТДИУ, 2011 й. – 95 б.

1.24. Е.А. Шкарупа Особенности агролизинга и направления его государственной поддержки, Вестн. Волгогр. гос. ун-та. Сер. 3, Экон. Экол. 2012. – стр 128.

1.25. Рекс Питер.Новая история нормандского завоевания / Пер. И.И.Хазановой.— СПб.; М.: Евразия, ИД «КЛИО», 2014.— 336 с.

1.26. Сапожников В.Н., Акимова Е.М., Осипов А.С. Лизинг: значение, сущность, возможности. Учеб. пос. /Моск. гос. строит. ун-т. — М.: МГСУ, 2000.

1.27. Қосимова Д. С., Собиров А.А. Бошқариш назарияси асослари. ОЎЮ лари учун дарслик. – Т: ТДИУ, 2011- 8 б.

1.28. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. - Т.: Меҳнат, 2004.

1.29. Абдурахмонов Қ.Х., Имомов В.А. Ўзбекситонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. - Т.: Академия, 2008.

1.30. Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон

омили ва уни фаоллаштириш йўллари. - Т.: ТМИ, 2005. - 219 б.

1.31. Абулқосимов Х.П. Иқтисодиётда инсон омили: шаклланиши, амал қилиши ва фаоллашуви. - Т.: Академия, 2006.

1.32. Генкин Б.М. Экономика и социология труда. Учебник для вузов. – М.: Норма, 2006. – С. 416.

1.33. Ишмухаммедов А.Е., Асқарова М.Т. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. - Т.: ТДИУ, 2004. - 256 б.

1.34. Колосова Р.П. Экономика труда. – М.: МГУ, 2004.

1.35. Панкратова А.С. Социология труда. – М.: Инфра-М, 2004.

1.36. Соколова М.И., Дементева А.Г. Управление человеческими ресурсами: Учебник для вузов. – М.: Проспект, 2005. – С. 240.

1.37. Экономика и социология труда. Учебник. Под ред. А.Я.Кибанова. – М.: Инфра-М, 2007.

1.38. Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. «Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизатсиялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида». Т.: «Иқтисодиёт», 2008.– Б.126.

1.39. Юлдашев Н., Собиржонова Д., Тўлаганова Ш. «Стратегик менежмент». Ўқув қўлланма.Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2008. – Б.150

1.40. Армстронг М. Практика, управления человеческими ресурсами. Учебник. - СПб.: Питер, 2009.

1.41. Веснин В.Р. Управление персоналом. Теория и практика. Учебник. - М.: Проспект, 2010.

1.42. Герчикова И.Н. Менеджмент. Учебник. - М.:ЮНИТИ, 2003.

1.43. Гулямов С.С. Менеджмент асослари.Т., 1997.

1.44. Зайнутдинов Ш.Н., Муракаев И.У. Основы менеджмента. Т.: Укитувчи, 1996.

1.45. Абдурахмонов Ў.Ў., Холмўминов Ш.Р., Хайитов А.Б., Акбаров А.М. «Инсон ресурсларини бошқариш» Ўқув қўлланма Т. 2004.

1.46. Кони́на Н.Ю. Менеджмент в международных компаний: как побеждают в конкурентной борьбе.- М.: ТК Велби, 2008.

1.47. Ламбен. Ж.Ж., Чумпитас Р., Шулинг И. Менеджмент, ориентированный на рынок. 2-е изд. /Пер. с англ. Под.ред. В.Б. Копчанова.- СПб.: Питер, 2008.

1.48. Бекмуродов А.Ш., Ғофуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодийни либераллаштириш ва модернизатсиялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Тошкент: - 2007 й.

1.49. Менеджмент организации: современные технологии. Под ред. Н.Г.Кузнецова. Ростов на Дону, 2002.

1.50. Далимов Р.Т., Махамбетова З., Худякова Н. К. Международная экономическая интеграция. –Т.: Университет, 2004.

1.51. Рахимова Д.Н., Абдулқосимов Х.П., Абдурахмонов О.К. Бошқарув тизими ва раҳбар.- Т.: ТДТУ., 2004.

1.52. Ергашев Ф. ва бошқалар. Инноватсион менежмент. Дарслик. Т.: «Академия», 2005.

1.53. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма/ “Иқтисодий” 2009.

1.54. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизатсия қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз - Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. - Тошкент: Иқтисодийт. – 2010

1.55. Мировая экономика: прогноз до 2020 года /под ред. акад. А.А. Дынкина /ИМЕМО РАН. - М.: Магистр, 2008. - 2008.

1.56. Иваненко А.Г. Инноватсионный менеджмент: учебное пособие. - М.: КНОРУС, 2009.

1.57. Гончаренко Л.П. Менеджмент инвестиций и инноваций: учебник.

- М.: КНОРУС, 2009.

1.58. Кане М.М., и др. Системы, методы и инструменты менеджмента качества: Учебник. - СПб.: Питер, 2009.

1.59. Етрилл П. Финансовый менеджмент для неспециалистов. 3-е изд. - СПб.: Питер, 2007.

1.60. Румянцев А.А. Менеджмент инноваций. Как научную разработку довести до инноваций: учеб.пособ. - СПб.: «Бизнес-пресса», 2007.

1.61. Мухамедяров А.М. Инновационный менеджмент: учеб.пособ. - М.: ИНФРА-М, 2008.

1.62. Герчикова И.В. Управление персоналом (работник - самый эффективный ресурс компании). Учебник. - М.: ЮНИТИ, 2008.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар.

2.1. Қўлматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Иқт.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.: 2004. –21 б.

2.2. Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. Иқт.фан.ном. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.-Т.: 2008. –21 б.

2.3. Ш.У.Ҳайдаров, Х.А.Ортиқов, Х.А.Тухсанов. Лизинг: тан олиш, баҳолаш ва унинг ҳисоби.Т.:Норма,2006.

2.4. «Финансовый лизинг становится рентабельным». Бизнес-вестник Востока, 23 января 2003 года, №4(574), стр.4.

2.5. Рынок лизинга в Европе. Бизнес-вестник Востока, №45, ноябрь, 2014.

2.6. Кони́на Н.Ю. Менеджмент в международных компаний: как побеждать в конкурентной борьбе.- М.: ТК Велби, 2008.

2.7. Устойчивое экономическое развитие в условиях гло-бализации и экономики знаний: концептуальные основы теории и практики управления / Под ред. В.В. Попкова. М.: ЗАО «Издательство «Экономика», 2007.

2.8. Убайдуллаева Р., Ата-Мирзаев О., Умарова Н. Ўзбекистон

демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги – Т.: Университет, 2006.

2.9. Канбан и «точно вовремя» на Тойота: Менеджмент начинается на рабочем месте. / Пер. с англ. - М.: Алпина Бизнес Букс, 2008

2.10. М. : Альфа-Пресс, 2008. 160 с., Инновации на финансовых рынках: коллект. Моногр. / Н.И. Берзон, Е.А. Буянова, В.Д. Газман и др. ; под науч. Ред. Н.И. Берзона, Т.В. Тепловой. М. : Изд. Дом Высшей школы экономики, 2013. 420 с

2.11. Лизинговые компании Узбекистана. Бизнес-вестник Востока, №42, октябрь 2005.

2.12.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар.

3.3. Инвестиции Республики Узбекистан 2014. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2014.

3.4. Промышленность республики Узбекистан 2014. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2014.

3.5. Сельское хозяйство Узбекистана 2014. Статистический сборник. - Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2014.

3.6. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011

3.7. Интернет сайтлар:

- www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.

- www.press-servic.uz - Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати расмий сайти.

- www.state.uz – Ўзбекистон Республикаси статистика вазирлигининг расмий сайти.

- www.mfer.uz - Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг расмий сайти.

-www.omad.uz - Бизнес ривожи учун ахборот портали.

-www.uza.uz - Ўзбекистон Республикаси миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

-www.review.uz - “Економическое обозрение” журналнинг расмий сайти.

-www.cer.uz - Иқтисодий тадқиқотларнинг расмий сайти.

«Лизинг хизматлари ва уларни бошқариш самарадорлиги» мавзусидаги магистрлик диссертацияси АННОТАЦИЯСИ

Таянч сўзлар: хизмат, лизинг, кредит, ижара, лизинг шартномаси, мулкчилик ҳуқуқи, менежмент, бошқарув самарадорлиги, аҳолининг турмуш даражаси, фоиз ставкаси, маржа, молиявий ижара, инвестиция.

Тадқиқот объектлари: Лизинг хизматлари ва уларни бошқариш самарадорлиги билан боғлиқ жараёнлар мажмуи олинган.

Ишнинг мақсади: Лизинг хизматлари ва уларни бошқариш самарадорлиги усулларининг назарий-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш, лизинг хизматлар бозорини такомиллаштириш ва унинг макроиктисодий барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашдаги ролини ошириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: статистик, аналитик, синтетик, қиёсий, кузатув, индуктив, дедуктив, мантикий таҳлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган илмий-назарий ва амалий ғоялар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан лизинг хизматларининг бошқариш усуллари ҳамда унга оид келгусидаги махсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Диссертация ишининг асосий илмий янгиликлари: лизинг хизматлари ва уларнинг бошқариш самарадорлигини ошириш усулларининг иқтисодий мазмун-моҳияти очиқ берилди, лизинг хизматлари ва уларнинг бошқаришда бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш таҳлил қилинди; лизинг фаолиятида молия-солиқ сиёсати таъсирининг таҳлили чуқур ўрганилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар республика миқёсида лизинг хизматлар бозори ва унинг иқтисодий ривожлантиришдаги ролини ошириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси “Ўзқишлоқхўжалик мажбуриятлари лизинг” акциядорлик лизинг компанияс томонидан амалиётда қўллаш учун тафсия қилинган. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида таълим олаётган бакалавр ва магистрларнинг ўқув режасига киритилган “Лизинг” ва “Молиявий менежмент”, “Пул, кредит ва банклар”, “Менежмент”, “Хизмат кўрсатиш соҳаси менежменти”, “Стратегик бошқарув” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган лизинг компаниялари, олий ўқув юртлари.

Диссертация муаллифи _____

ANNOTATION

of dissertation on the theme «Leasing services and the effectiveness of their management»

Key words: service, leasing, loan, rent, lease contracts, property rights, management, administrative efficiency, the living standards of the population, interest, margin, finance rent, investments..

Subjects of research: a set of processes related to the effectiveness of the management and leasing services.

Purpose of work: The effect of the management and leasing services to examine the legal basis of the theoretical methods to improve the leasing services market and its role in ensuring macroeconomic stability and economic growth to solve the problems and to develop practical recommendations.

Methods of research: statistical, analytical, synthetic, comparative observation, induction, deduction, logical analysis methods.


The results obtained and their novelty: the results of the study put forward a theoretical thesis on the importance of scientific-theoretical and practical ideas developed scientific and practical recommendations on the methods of management and leasing services in the future with the possibility of the use of special scientific-research work. The main news of the dissertation: leasing and management methods to improve the efficiency of economic essence of leasing services were opened and analyzed in the management of their budget financing; The analysis of the impact of the leasing activity in the financial and tax policy have been analyzed.

Practical value: developed as a result of scientific research and practical recommendations approved by the leasing services market and its role in the development of measures to improve the economic development.


Degree of embed and economic efficiency: the scientific and practical recommendations created during the research process may be used by "O'zqisholoqho'jalikmashlizing" stock leasing companies for the practical works. Also, materials of research can be used in the process of training for undergraduate and graduate students studying in institutions of higher education and to improve the science curriculum of "Leasing" and "Financial Management", "Money, Credit and Banking", "Management", "Service Management", "Strategic Management".

Field of application: operating in the Republic of Uzbekistan leasing companies and higher education institutions.


The Author Of The Dissertation _____




Лизинг битимларининг технологик жихозлар бўйича тақсимоти, фоизда




Минтақалар бўйича лизинг хизматлари динамикаси, млрд. АҚШ доллар



Лизинг битимларининг асосий воситалар бўйича тақсимоти, фоизда



**Лизинг битимларининг асосий воситалар бўйича 2015 йилнинг
йиллик натижалари асосида тақсироти, фонзда**



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI	
	
YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RISIDA	
GUVOHNOMA	
Reestrdaqi tartib raqami -	09-000205
2002 yil "20" Mart	000205
Mazkur guvohnoma firma nomi	"O'ZQISHLOQXO'JALIKMASHLIZING"
bo'lgan yuridik shaxsga Toshkent shahar, <u>Shayxontohur</u> tuman Hokimining	
<u>2002</u> yil " <u>19</u> " <u>03</u> "dagi <u>249</u> - sonli qaroriga asosan berildi.	
Tashkiliy-huquqiy shakli:	<u>Aksiyadorlik lizing kompaniyasi</u> <u>1150</u>
Mulkchilik shakli:	<u>Aralash</u> <u>144</u>
Pochta manzili:	<u>АБАЙ КУЧАСИ, 4-"А" УЙ</u> <u>1726277</u>
Yuridik shaxs kodi:	<u>17489494</u>
Tarmoq kodi:	<u>Lizing</u> <u>80300</u>
Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:	<u>203071206</u>
Qo'shimcha ma'lumotlar	
Vakolatli organ rahbari <u>Sh.Sh.Mirganiev</u>	



